БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 4 (6679)
5 ЯНВАРЬ 1947 йил
ЯКШАНБА
БАҲОСИ 20 тийин

Улуғ совет халқи иттифоқчи республикалар Олий Советларининг депутатлигига ғалабаларимизнинг ижодчиси ва илҳомчиси ўртоқ Сталинни ва унинг энг яқин сафдошларини номзод қилиб кўрсатиб, Ленин-Сталин партиясига, Совет ҳукуматига бўлган чексиз садоқати ва ишончини намойиш қилмоқда.

Тракторчиларнинг мурожаати ва пропаганда-агитация соҳасидаги вазифаларимиз

Тракторчиларнинг республика кенгаши Ўзбекистондаги МТС ва совхозларнинг ҳамма тракторчиларига, механикларига, ремонтчи ишчиларига, саноат корхоналарининг ҳамма ишчилари, инженер-техник ходимлари ва раҳбарларига қарата мурожаат қабул қилди. Бу мурожаат спесий жиҳатдан роят катта аҳамиятга эгадир.

Тракторчилар ўз мурожаатларида механизациядан фойдаланиш соҳасида йўл қўйиб келинган жиддий камчиликларни очиб ташладилар ва қишлоқ хўжалик ишларини тобора кўпроқ механиклаштириш ҳамда кўклам экин кампаниясига большевикча тайёрланиш йўлларини чизиб бердилар.

Деҳқончилик ишларини, айниқса пахтачиликни тез ривожлантиришнинг асосий негизи механизациядир. Большевиклар партияси ва Совет давлати қишлоқ хўжалигини машиналаштиришга доим зўр эътибор бериб келмоқдалар. «Колхоз ва совхозларнинг кучлари улардаги экин майдонларининг ва маҳсулотнинг ўсишидангина иборат эмас. Уларнинг кучлари улардаги трактор парклари ининг ўсишида ва механикалашнинг ўсишида ҳам кўринади. Шуҳа йўқки, колхоз ва совхозларимиз бу жиҳатдан кўп илгарига кетдилар» **(И. Сталин).**

Деҳқончилик ишларини машиналаштирмай туриб трактор ва қишлоқ хўжалик машиналаридан тўла-тўкис фойдаланмай туриб, экин ҳосилини, айниқса пахта ҳосилини ошириш мумкин эмас. Механизациядан яхши фойдаланган колхозлар пахта ҳосилини юксак даражага кўтаролдилар. Буни Андижон область колхозчиларининг 1946 йилда пахтачилик соҳасида эришган муваффақиятларидан кўриш мумкин.

Тракторчилар республика кенгаши қатнашчиларининг мурожаати ва ЎзК(б)П Марказий Комитети XV пленумининг «Трактор ҳамда қишлоқ хўжалик машиналарини кўклам экин кампаниясига тайёрлаш ва партия ташкилотларининг МТС ишларига раҳбарлигини кучайтириш чоралари тўғрисида» чиқарган қарори партия ва совет ташкилотларидан МТС ларда, қишлоқларда олиб бориладиган қоявий, спесий ва ташкилий ишларини тўлдан яхшилашни талаб этади. «Олдимизда катта-катта ва қийин вазифалар турибди. Ўзбек халқининг асосий вазифаси—1947 йилда республикада пахта ҳосилини урушдан бурунги даражага етказиш, давлатга бир ярим миллион тонна пахта беришдир. Бу вазифани бажармоқ учун 1946 йилдагига қараганда, ҳар гектар ердан пахта ҳосилини камида 3 центнер, ёки 22 процент ошириш, пахта майдонини 915 минг гектарга етказиш, ёки 13 процент кўпайтириш керак» **(Тракторчилар мурожаатидан).**

Республикамиз олдида турган бу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши колхозчилар, барча қишлоқ-хўжалик ходимлари ўртасида оммавий, спесий ва малакали ишларни кенг йўлга қўйишни талаб этади.

Ҳозирги вақтда область, район партия комитетлари олдида тракторчилар республика кенгаши қатнашчиларининг мурожаатини ҳарбир тракторчи, колхозчи ва завод ишчисига етказиш, деҳқончилик ишларини машиналаштиришнинг аҳамиятини тинмай пропаганда қилиш вазифаси турибди. Қишлоқ хўжалигини механикалаштириш тўғрисида партиямизнинг ишор ва қарорларини кенг меҳнаткашлар оммасига тушунтириш — большевистик агитациянинг, барча партия, совет активларининг шарафли бурчидир. Область ва район партия комитетлари республика тракторчиларининг мурожаатини МТС ларда, ремонтчи ишчилар, механиклар ва совхоз ишчиларининг умумий йиғилишларида чуқур муҳокама қилишлари керак. Бу йиғилишларда мурожаатни ўқиб чиқиш блан чекланиш мумкин эмас. Аксинча, мурожаат асосида МТС ва совхоз ишидаги камчиликлар очиб ташланиши, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишнинг кейинда қолиш сабаблари кўрсатиб берилиши керак. Йиғилишларда большевикча танқид, ўз-ўзини танқид кучайтирилиши зарур. Тракторчилар ва совхоз ишчиларига мурожаатни тушунтирган вақтда, уларнинг олдида турган вазифаларни, кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўришда ҳарбир тракторчи, ремонт ишчиси ва механикнинг зиммасига тушадиган мас'улият очиқ—равшан айтиб берилиши керак. Ҳарбир тракторчи ва ремонт ишчиси социалистик мусобақага қўшилиб ўз устига конкрет мажбурият олиши лозим.

ЎзК(б)П область, район комитетлари МТС бошлангич партия ташкилотларини мустаҳкамлашлари, тракторчилар ўртасида спесий-тарбиявий ишларни кучайтириб юборишлари керак. Тракторчилар ўртасида спесий-хўжалик мавзу'ларида лекциялар уюштиришга алоҳида э'тибор бериш лозим. МТС ҳузуридаги клублар, қизил бурчаклар илмий-оқартув ишларининг маркази бўлсин. МТС бошлангич партия ташкилотлари агитация-пропаганда ишини ана шу жойда уюштирсинлар.

Тракторчилар республика кенгашининг мурожаатини пропаганда қилишда большевистик агитациянинг ҳамма шакларидан фойдаланиш зарур. Партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини механикалаш спесатини ва бу соҳала кўраётган чора ҳамда тадбирларини кун сайин пропаганда қилиш большевистик матбуотимизнинг муҳим вазифасидир. Газеталаримиз деҳқончилик ишларини машиналаштиришга юзаки ва бепарво муносабатда бўлиш кайфиятларига қарши кескин кураш олиб боришлари керак. Трактор ва қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш, уларни сақлаш ҳамда ремонт қилиш масалалари газета ходимларимизнинг амалий иш фаолиятида асосий ўрин тутиши керак.

Халқимиз большевиклар партияси ва совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини машиналаштириш йўлидаги изчил спесатининг қандай самарали натижалар берганини, тракторчилар ва колхозчи деҳқонларнинг механизациядан фойдаланиб, пахтачилик соҳасида эришган ғалабаларини сахнада, кино-картиналар воситаси блан бадиий образларда кўришни, китоблардан, ше'р ва қиссалардан ўқиб билишни истайди. Бу талаб шоирларимиз, адибларимиз, сан'ат ходимларимиз зиммасига катта мас'улият юклайди. Ёзувчилар, шоирлар ва сан'ат ходимлари ўз ишларидаги бу камчиликни битиришлари ва бу мавзу'да янги китоблар, ше'рлар, қиссалар, ва сахна асарлари яратишлари лозим.

Ўзбекистон халқ оммаси ЎзССР Олий Совети сайловига қизғин тайёрланаётган кунларда республикамизнинг меҳнаткашлари тракторчиларнинг мурожаатини эшитишлар. Бу мурожаат барча тракторчиларни, механикларни, ремонтчи ишчиларни, МТС ва совхозларнинг раҳбарларини, колхозчи деҳқонларимизни янгича ишлашга, механизациядан кенг фойдаланишга, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини кўклам экиш ишларига тайёрлашга руҳлантирсин ва сафарбар этсин.

ЎзССР ОЛИЙ СОВЕТИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Округ сайлов комиссияларида

Тошкент шаҳрида ЎзССР Олий Советига сайлов ўтказучи округ сайлов комиссияларининг йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Бу йиғилишларда комиссия а'золарининг иш планлари, участкадаги ташкилий ишларга раҳбарлик қилиш масалалари муҳокама қилинаётир.

16-нчи Тошкент Сталин сайлов округи комиссиясининг биринчи мажлисида комиссия а'золарининг январь ойида қиладиган ишлари юзасидан тузилган план тасдиқланди, участкаларнинг ишлари, уларни жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатининг қандай тузилаётганини кузатиб бериш сингари ташкилий ишларга мас'ул кишилар белгиланди, навбатчилар графиги тасдиқланди.

24-нчи Чапаев сайлов округида комиссиянинг икки марта мажлиси бўлди. Биринчи мажлисда участкаларнинг номерлари, январь ойи учун иш плани, комиссия а'золари ўртасида ишни тақсимлаш масаласи муҳокама қилингган эди. Иккинчи мажлисда участка сайлов комиссияларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва секретарьлар учун сайлов Низоми ва уларнинг олдида турган муҳим вазифалар тушунтириб берилди. 3-нчи ва 5-нчи сайлов участкалари раисларининг докладлари эшитилди.

Бу ҳар иккала участкада ҳалигача биноларни ремонт қилиш, уларни жиҳозлаш ишлари тамомланмаган. 5-нчи участкада (раиси ўртоқ Зоҳидов) сайловчиларнинг рўйхатларини тузишда ба'зи камчиликларга йўл қўйилган. Мажлис ҳар икки участкада ҳам тез кунда ўзгариш ясаш керакligини уқириб қарор қабул қилди.

33-нчи Гвардейск сайлов округи комиссиясининг а'золари участкаларга амалий ёрдам кўрсатиш, сайловчилар рўйхатининг тўғри тузилиши устидан назорат қилиб туриш учун участкаларга беркитилдилар. Округ сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси участка сайлов комиссияларининг раислари, секретарьлари, маҳалла комиссиялари раислари қатнаши блан ўтади. Бу мажлисда участкалардаги аҳвол ҳақидаги масала муҳокама қилинади.

ЛЬВОВ ШАҲАР СТАЛИН САЙЛОВ ОКРУГИ

ЛЬВОВДАГИ ОПЕРА ТЕАТРИ ХОДИМЛАРИ КОЛЛЕКТИВИ

Ўртоқ И. В. СТАЛИН, В. М. МОЛОТОВ, Н. С. ХРУШЧЕВ, Н. М. ШВЕРНИК ўртоқларни

УКРАИНА ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД ҚИЛИБ КЎРСАТДИ

ЛЬВОВ, 2 январь (ТАСС). Бугун тушпайтида опера театрида ишловчи ҳамма ходимлар коллективи театр биносига тўпланди. Бу ерга опера сан'атининг кўпгина машҳур усталари, музыкачилар, балет артистлари, театрни та'миновчи цехларнинг ходимлари келдилар.

Бугунги мажлис одатдаги мажлисларга ўхшамайди. Бу мажлисда Украина ССР Олий Советига депутатлигига номзодлар кўрсатилиши керак. Биринчи сўз Украина К(б)П Сталин район комитетининг секретари ўртоқ Ф. И. Еременкога берилади.

У республика Олий Советига сайловлар муносабати блан меҳнаткашларнинг фаолияти роят ўсганлиги ҳақида гапиради. Меҳнаткашлар энг шодиёна байрамга тайёрланган сайловлар кунига завқ блан тайёрланмоқдалар.

Театр директорининг ўринбосари В. И. Костюков сўз олади.

— Бугун биз Украина Олий Советига депутатлигига ўз номзодларимизни кўрсатишимиз керак. Бу иш коллективимиз учун катта шарафдир. Мен совет халқининг улуғ доҳийси Иосиф Виссарионович Сталинни Украина ССР Олий Советига депутатлигига биринчи номзод қилиб кўрсатишни таклиф этаман!

Ўртоқ Костюковнинг сўзлари гулдурос олқишлар блан бўлиниб турди. Ўртоқ Сталин шарафига узоқ давомли олқишлар бўлди. «Яшасин ўртоқ Сталин!», «Сталинга «ура»!» сўзлари жаранглайди.

Театр оркестрининг ходими ўртоқ Л. В. Жуковский сўзлайди. У ўртоқ Сталин номзодини қизғин қувватлаб, ўртоқ Сталининг содиқ сафдоши Вячеслав Михайлович Молотовни ҳам Украина ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этади. Бу таклиф давомли олқишлар блан ма'қулланади. Ўртоқ Жуковский ўртоқ Молотовни тинчлик учун сабот-матонат блан курашучи киши, совет дипломатиясининг шонли раҳбари, отоқли давлат арбоби деб та'рифлайди.

Театр ходими М. Г. Брандмастер сўз олади.

— Мен Украина большевикларининг раҳбари ва Украина ССР ҳукуматининг бошлиғи Никита Сергеевич Хрущевни Украина ССР Олий Советига депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этаман **(Олқишлар).**

Театр ходими А. И. Бурланский миллларга чиқади. У ўртоқ Сталининг содиқ сафдоши, отоқли давлат арбоби, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Николай Михайлович Шверникни Украина ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этади.

Львов давлат опера театри ходимлари коллективи ўртоқ И. В. Сталинни, В. М. Молотов, Н. С. Хрущев, Н. М. Шверник ўртоқларни Сталин сайлов округидан Украина ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ва улардан шу округдан овозга қўйиш учун розилик беришларини сўраш тўғрисида яқдиллик блан қарор чиқарди.

Львов дрожжа заводи, 1-нчи кондитер фабрикаси коллективларининг йиғилишларида, медицина институтининг ўқитувчилари ва студентлари йиғилишида ҳам Сталин, Молотов, Хрущев ва Шверник ўртоқларининг номзодлари яқдиллик блан қувватланди.

ТБИЛИСИ ШАҲРИДАГИ 1-НЧИ ЛЕНИН САЙЛОВ ОКРУГИ

ТБИЛИСИДАГИ СТАЛИН НОМЛИ ПАРОВОЗ-ВАГОН РЕМОНТ ЗАВОДИНИНГ ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР КОЛЛЕКТИВИ

Ўртоқ Иосиф Виссарионович СТАЛИННИ

ГРУЗИЯ ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД ҚИЛИБ ҚУРСАТДИ

ТБИЛИСИ, 2 январь (ТАСС). Сталин номли паровоз-вагон ремонт заводининг кўп минг кишилик коллективи 1947 йил 2 январь кунини узоқ вақт эсда сақлайди. Грузия ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишда 2500 киши қатнашди.

Заводнинг катта йиғув цехи одамлар блан лиқ тўлган эди. Катта полотнога улуғ Сталин сурати солинган.

Ўртоқ Сталин бу заводда 1898—1901 йилларда ишлаб, социал-демократ ишчиларнинг тўгаракларига, ишчиларнинг биринчи иншаатловлари ва спесий намойишларига раҳбарлик қилган эди.

Тантанали мажлисда Совет Иттифоқи гимни жаранглайди.

Йиғилиш қатнашчилари улуғ Сталинни ва унинг содиқ сафдошларини баланд руҳ блан фахрий президиумга сайлайдилар.

Завод директори ўртоқ Маманашвили сайловлар тўғрисида доклад қилганидан кейин завод план бўлимининг бошлиғи фаол жамоатчи ўртоқ Мгеладзе сўз олади.

— Республикамизнинг меҳнаткашлари, — деди ўртоқ Мгеладзе, — сайловларни катта муваффақият блан кутиб олмоқдалар. Республикамизнинг меҳнаткашлари Ленин-Сталин партияси теварагига, улуғ доҳиймиз, устозимиз ва дўстимиз жонажон Сталин теварагига ҳарқачонгидан кўра маҳкамроқ жиҳлашгаллар. Сталин—ғалаба демакдир. Унинг номи қудратли Ватанимизнинг бундан кейинги тараққиёт йўлини ёритиб туручи маш'алдир. Грузия ва Кавказда инқилобий ҳаракат бошланган чоқдаёқ ўртоқ Сталин заводимизнинг ишчиларини янги бахтли ҳаёт учун курашга чақирган эди. Бизнинг заводимиз инқилобий ҳаракат пстеҳкоми бўлди. Шу сабаблан мен ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ўртоқ Сталинни республика Олий Совети депутатлигига буюк хурсандчилик блан биринчи номзод қилиб кўрсатаман.

Мгеладзе ўз нутқини шу сўзлар блан тамом қилади: «Яшасин Грузия ССР Олий Совети депутатлигига биринчи номзод улуғ Сталин!».

Гулдурос олқишлар ва табрик хитоблари узоқ вақт давом этади. Йиғилиш қатнашчилари ўз олқиш ва табриклари блан совет халқининг доҳийсига чексиз муҳаббат ва садоқатларини изҳор қиладилар.

Темирчилик цехининг бошлиғи ўртоқ Гогичайшвили сўз олади. У ўртоқ Мгелазенинг ўртоқ И. В. Сталинни Грузия ССР Олий Совети депутатлигига биринчи номзод қилиб кўрсатиш ҳақидаги таклифини қизғин қувватлайди.

— Бугун, — деди Гогичайшвили, — коллективимиз учун роят шодиёна кундир. Бизлар ўртоқ Сталининг номзодини чин кўнглимиздан қувватлаймиз. Отамиз, дўстимиз ва устозимиз, дун'ёда энг демократик Конституция ижодчиси улуғ Сталинга шон-шарафлар бўлсин, улуғ Сталин кўп йиллар умр кўрсин!

Заводнинг донгдор кишилари — завод электр цехининг бошлиғи ўртоқ Митахавидзе, қисмлар йиғувчи Каршидзе, комплекс бригаласининг бошлиғи Селехов, слесарь Манджгаладзе, инженер Какиташвили, слесарь Капанадзелар бирин-кетин та'сирли нутқ сўзлайдилар.

— Бизлар, — деди Каршидзе,—Сталин номи блан Улуғ Ватан уруши фронтларида ғалаба қозондик, Сталин номи блан меҳнат фронтида ҳам ғалаба қилмоқдамиз. Яшасин бизнинг қувончимиз, умидимиз улуғ Сталин!

Йиғилиш қатнашчилари Иосиф Виссарионович Сталинни Грузия ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ва ундан Грузия ССР Олий Советига сайлов ўтказучи, 1-нчи Ленин сайлов округи бўйича овозга қўйиш учун розилик беришни сўраш ҳақида яқдиллик блан қарор қабул қиладилар.

Йиғилиш қатнашчилари баланд руҳ блан ўртоқ И. В. Сталинга табрик қабул қилдилар.

МОСКВА ОБЛАСТЬ КОЛОМНА САЙЛОВ ОКРУГИ

КОЛОМНАДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ҚУЙБИШЕВ НОМЛИ ПАРОВОЗСОЗЛИК ЗАВОДИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕРЛАРИ, ТЕХНИКЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

Ўртоқ Николай Михайлович ШВЕРНИКНИ

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД ҚИЛИБ ҚУРСАТДИ

КОЛОМНА, 2 январь (ТАСС). Мингларча ишчи, инженер-техник ва хизматчилар паровоз қисмларини йиғучи цехнинг катта биносига тўпландилар. «Победа» паровозини ва жуда яхши дизелларни ишлабчиқарган коломначиларни бутун мамлакат яхши биларди. Бугун улар РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатиш учун йиғилдилар. Ҳамма ерда байроқлар, шиорлар, ўртоқ Сталиннинг, партия ва ҳукумат раҳбарларининг суратларини кўриш мумкин эди.

Заводнинг кекса ишчиси, машҳур стахановчи Егор Иванович Кузьмичёв таклиф учун сўз олади.

— Қиймматли ўртоқлар! — деди у.— Бутун совет халқи иттифоқчи ва автоном республикаларнинг Олий Советлари сайловларига тайёргарлик кўрмоқда. Биз бу тарихий кунни Сталинча бешйиллиқнинг биринчи йилида голибона якунлар блан кутиб олмоқдамиз.

Ўртоқ Кузьмичёв Куйбишев номли заводнинг эришган муваффақиятлари тўғрисида гапиради. Бу завод «Победа» паровозларини кўплаб чиқара бошлади ва бирнеча ой мобайнида ишлабчиқариш программасини муваффақият блан ало этиб келмоқда.

— Ўртоқлар! — дейди Е. И. Кузьмичёв,—мен халқимизнинг бахт-саодати учун тинмай курашучи, Ватаннинг содиқ фарзанди, мустаҳкам большевик, улуғ Сталиннинг сафдоши, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Николай Михайлович Шверникни РСФСР Олий Совети депутатлиқига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этаман.

Бу сўзларни ҳамма давомли олқишлар блан ма'қуллайди.

Машиналар йиғучи цехнинг устаси ўртоқ Карасев, пўлат эритиш цехининг бошлиғи ўртоқ Ткачук, паровоз-механика цехининг комсомол ташкилотчиси ўртоқ Перваков, шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Кривцев ўртоқ Кузьмичёвнинг таклифини қизғин қувватладилар.

Куйбишев номли паровозсозлик заводи коллективининг умумий йиғилиши яқдиллик блан қуйидаги қарорни қабул қилди:

«Коломнадаги Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. В. Куйбишев номли паровозсозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг умумий йиғилиши Коломна сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш масаласини муҳокама этиб, қуйидаги қарорни чиқаради:

1. 1888 йилда туғилган, 1905 йилдан буён ВКП(б) а'зоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, улуғ Сталининг энг яқин сафдоши, совет халқининг содиқ фарзанди, Ватанимизга, Ленин-Сталин партияси ишига садоқатли бўлган ўртоқ Николай Михайлович Шверник Коломна сайлов округи бўйича Коломнадаги Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. В. Куйбишев номли паровозсозлик заводининг ишчилари, инженер-техниклари ва хизматчилари коллективидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилсин.

2. Коломнадаги Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Куйбишев номли паровозсозлик заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларининг умумий йиғилиши ўртоқ Н. М. Шверникдан Коломнадаги 49-нчи сайлов округи бўйича РСФСР Олий Совети депутати қилиб овозга қўйиш учун ўз розилигини беришини сўрайди».

Йиғилиш қатнашчилари баланд руҳ блан ўртоқ И. В. Сталинга табрик қабул қилдилар.

ЛЕНИНГРАД ШАҲАР ВОЛОДАРСКИЙ САЙЛОВ ОКРУГИ

«БОЛЬШЕВИК» ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

Ўртоқ Андрей Александрович ЖДАНОВНИ

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД ҚИЛИБ ҚУРСАТДИ

ЛЕНИНГРАД, 2 январь (ТАСС). «Большевик» заводининг йиғув цехидаги бўлимлар бугун прожекторларнинг нурлари блан ёритилди. Кран фермалари устида қизил байроқлар, партия ва ҳукумат раҳбарларининг суратлари кўриниб турибди. Деворларга сайлов олди плакатлари, шиорлар ёпиштирилган.

Цехнинг ҳамма қисмидаги кишилар бенихоя шод, уларнинг руҳи баланд. Бу пеҳда кўп воқеалар бўлган эди. 1917 йил майида Владимир Ильич Ленин бу жойда чиқиб сўзлаган эди. Ленинград қамал ҳолатида бўлган йилларда Ленин шаҳрини ҳимоя қилиш учун бу цехда қуроллар тайёрланди.

Бугун заводнинг мингларча ходимлари РСФСР Олий Совети депутатлигига ўз номзодларини кўрсатиш учун цехга тўпландилар. Президиумда заводнинг энг яхши кишилари, партияли ва партиясиз большевиклар ўтиришибтилар, ўртоқ И. В. Сталин бошчилигидаги ВКП(б) Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси гулдурос олқишлар остида фахрий президиумга сайланди.

Ҳаммадан олдин пўлат эритучи С. М. Михайловга сўз берилди.

Ўртоқ Михайлов бундай деди:

— Бугун биз РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатиш учун тўпландик. Биз ўз фикримиз, орзу ва тилакларимизни амалга оширадиган номзод белгилашимиз керак. Мен Андрей Александрович Жлановни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этаман. **(Давомли олқишлар).**

— Ўртоқ Жлановнинг номи заводимизнинг ишчиларига, Ленинград меҳнаткашларигагина эмас, балки бутун мамлакатимизга ва чет элларга ҳам ма'лумдир. Андрей Александрович отодин сиёсий арбоб, улуғ Сталининг сафдошидир.

Ўртоқ Жданов Ленинграднн савоатлашган илғор маданий марказга айлантириш учун кўп иш қилди. Бутун мамлакатимиз Ленинград блан фахрланмоқда. Андрей Александрович ленинградлиларни немис босқинчиларга қарши мардона курашга илҳомлантирди. Биз унинг раҳбарлиги остида Ленинграднн сақлаб қолдик.

Биз Андрей Александровични совет халқининг бахт-саодати учун ҳормай-толмай курашучи киши сифатида биламиз. Колдективимизнинг бу номзодни яқдиллик блан қувватлашига ишонаман. **(Гулдурос олқишлар).**

Шундан кейин заводнинг бош металлурги Ф. А. Купрянов, инженер Г. И. Александров, цех бошлиғи В. П. Тарасов, кекса ишчи П. И. Федоров, разметчи стахановчи С. И. Крупенин ва бошқалар сўзладилар. Улар обуховчиларни ўртоқ А. А. Жлановни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга чақирдилар.

Яқдиллик блан қабул қилинган қарорда қуйидагилар айтилади:

1. «Большевик» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг умумий йиғилиши «РСФСР Олий Советига сайлов тўғрисида Низом»нинг 49-нчи ва 50-нчи моддаларига биноан ўртоқ Андрей Александрович Жлановни Володарский сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатади. Ўртоқ Жданов 1896 йилда туғилган, большевиклар партиясининг содиқ фарзанди, улуғ Сталининг энг яқин сафдоши, ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'зоси, ВКП(б) Марказий Комитетининг секретари.

Умумий йиғилиш ўртоқ А. А. Ждановдан Володарский сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутати қилиб овозга қўйиш учун ўз розилигини беришини сўрайди.

Ўртоқ СТАЛИН—Украина ССР Олий Совети депутатлигига биринчи номзод

КИЕВ, 2 январь (ТАСС). Совет Украинасининг меҳнаткашлари бугун сайлов олди йиғилишларида Украина ССР Олий Совети депутатлигига баланд руҳ блан номзод кўрсата бошладилар. Бутун республикада—поёнсиз Дон қирларидан тортиб, Закарпатьегача украин халқи совет халқининг улуғ доҳийси ўртоқ Сталинни Украина ССР Олий Совети депутатлигига яқдиллик блан ўзларининг биринчи номзоди қилиб кўрсатмоқда.

Киевдаги «Ленинская кузница» кемасозлик заводининг 1600 дан ортиқ ишчи, инженер, техник, хизматчилари бугун, Владимир Ильич Ленин ҳайкали қўйилган завод майдонига тўпландилар.

Заводда 20 йилдан ортиқ ишлаб келаётган стахановчи — рандаловчи Ўртоқ Н. В. Шинкарук биринчи бўлиб сўз олди. У «Ленинская кузница» заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари номидан Иосиф Виссарионович Сталинни Украина ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этади. Бу таклиф гулдурос олқишлар блан ма'қулланади.

— Улуғ Ватан урушида қозонган ҳамма ғалабаларимиз, — деди Ўртоқ Шинкарук, — Ўртоқ Сталин номи блан боғланган. Халқ хўжалигини тиклаш соҳасидаги муваффақиятларимиз унинг номи блан боғланган. Биз улуғ Сталин етакчилигида мамлакатимизда коммунизмнинг тўла ғалабаси сари муваффақият блан олға бормоқдамиз. Биз Иосиф Виссарионовичдан бизни бутун шарафга муяссар қилишни ва Киев шаҳар Сталин сайлов округидан Украина ССР Олий Совети депутати қилиб овозга қўйиш учун ўз розилигини беришни сўраймиз.

Токарь И. Т. Тимошчук, инженер В. С. Бугаенко, ишчи В. И. Гаврильцев ва бошқалар Ўртоқ Шинкарукнинг таклифини қизғин қувватладилар. «Ленинская кузница» заводининг коллективи яқдиллик блан шундай қарор чиқарди:

1. СССР Министрлар Советининг Раиси, ВКП(б) Марказий Комитетининг Секретари, СССР Қуролли Кучлар Министри Ўртоқ Иосиф Виссарионович Сталин Украина ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилсин.

2. Ўртоқ И. В. Сталиндан Киев шаҳридаги Сталин сайлов округи бўйича Украина ССР Олий Совети депутати қилиб овозга қўйиш учун розилик бериш сўралсин.

★ ★ ★

Украина ССР фанлар академиясининг ҳақиқий а'золари, корреспондент а'золари, илмий ходимларининг кўп киши қатнашган ва Украина ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишда Украина ССР Фанлар академиясининг президенти, академик А. В. Палладин, Сталин мукофоти лауреати академик М. А. Лаврентьев, Украина ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'золаридан Н. Н. Гришко ва А. В. Думанскийлар сўзладилар.

— Мен, — деди академик Лаврентьев, — совет халқининг улуғ доҳийси, ватанимизни энг мудҳиш уруш йилларида қутқазиб қолган киши, барча ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси, ғениал олим Иосиф Виссарионович Сталинни Украина ССР Олий Совети депутатлигига биринчи номзод қилиб кўрсатаман (Гулдурос олқишлар). Ўртоқ Сталининг тинмай қилаётган ғамхўрлиги натижасида совет фани тобора янги муваффақиятларга эришмоқда. Ўртоқ Сталининг совет фани чет мамлакатларги фан муваффақиятларидан ўзиб кетсин деб берган кўрсатмаси шубҳасиз бажарилади. Украина олимлари улуғ Сталин чизиб берган бешйиллликнинг буюк вазифаларини бажариш учун ўз кучларини аямайдилар!

Украина ССР Фанлар академияси коллективининг йиғилиши Ўртоқ И. В. Сталинни Украина ССР Олий Совети депутатлигига ўзларининг биринчи номзоди қилиб кўрсатишга қарор қилди.

Киев ҳарбий округи штабидаги ҳарбий хизматчилар, Украина ССРнинг бошқа шаҳарларидаги жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар жамиятлари ҳам Ўртоқ Сталинни Украина ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Ўртоқ И. В. СТАЛИН—Белорус халқининг биринчи номзоди

МИНСК, 2 январь (ТАСС). Бугун республика пойтахтида Белоруссия ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатила бошлади. Корхоналар, янги бинокорликлар, муассасалар ва олий ўқув юртларида кўп кишининг иштироки блан сайлов олди йиғилишлари ўтказилмоқда. Меҳнаткашлар улуғ доҳийси ва устозимиз Ўртоқ И. В. Сталинни Белоруссия ССР Олий Совети депутатлигига биринчи номзод қилиб кўрсатмоқдалар.

Минскдаги Киров номли станкозлик заводи коллективининг кўп киши қатнашган йиғилишида темирчилик цехининг устаси Ўртоқ Тиханов биринчи бўлиб сўзга чиқди.

— Мен белорус халқининг энг яқин ва азиз кишиси Ўртоқ Сталинни Белоруссия ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этаман. (Гулдурос олқишлар).

Шундан кейин асбоблар цехининг бошлиғи Ўртоқ Ламперт сўз олиб шундай деди:

— Мен бундан йигирма йил муқаддам шу заводга кирган эдим. У вақтда бу завод ҳунармандчилик ишхонаси эди. Сталин бешйилликлари даврида бу завод жуда катта корхонага айланди. Бу вақт ичида кишилар ҳам таниб бўлмайдиган даражада ўзгардилар. Улар илгари оддий ишчи бўлсалар, энлиликла инженер ва техник бўлиб етишдилар. Коллективимиздаги кўп кишилар уруш даврида Ватан учун олиб борилган жангларда қатнашдилар, мамлакатдаги йирик корхоналарда ишладилар. Немис-фашист босқинчилар томонидан вайрон қилинган завод тиклانмоқда. Мен совет халқининг улуғ доҳийси ва устози Иосиф Виссарионович Сталининг номзодини астойдил қувватлайман. Мамлакатимиз эришган тарихий муваффақиятлар Сталин номи блан боғланган.

Назоратчи уста Ўртоқ Беремюнко, рандакаш Ўртоқ Пилитович, токарь Ўртоқ Гармонович, расточник Ўртоқ Пугач, модель цехининг устаси Ўртоқ Петровский, инженер Ўртоқ Нахманович ва бошқа кўп кишилар ҳам сўзладилар.

Йиғилиш яқдиллик блан қуйидаги қарорни қабул қилди:

1. СССР Министрлар Советининг Раиси, ВКП(б) Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Иосиф Виссарионович Сталин Минск шаҳридаги 2-нчи Сталин сайлов округидан Белоруссия ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилсин.

2. Ўртоқ И. В. Сталиндан иккинчи Сталин сайлов округи бўйича Белоруссия ССР Олий Совети депутати қилиб овозга қўйиш учун розилик бериш сўралсин.

Йиғилиш қатнашчилари Совет Иттифоқи халқларининг доҳийси улуғ Сталинга баланд руҳ блан табрик қабул қилдилар.

ЛЕНИНГРАД ҚИШЛОҚ САЙЛОВ ОКРУГИ

«КОММУНАР» ҚОҒОЗ ФАБРИКАСИНИНГ КОЛЛЕКТИВИ

Иосиф Виссарионович СТАЛИННИ Алексей Николаевич КОСИГИННИ

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД ҚИЛИБ КЎРСАТДИ

ПАВЛОВСК (Ленинград области), 3 январь (ТАСС). «Коммунар» қоғоз фабрикаси клубининг зали байрамлардагидек безатилган. Бу ерга РСФСР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишга 400 дан ортиқ ишчи, мутахассис ва хизматчилар тўпланди.

Фабрика коллективи сайловни ишлаб чиқаришда катта муваффақиятлар блан кутиб олаётир. Сталинча бешйиллик биринчи йилининг программаси муддатидан илгари бажарилди, мамлакат пландан ташқари 470 тонна қоғоз олди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати шу йилнинг биринчи кварталидаёқ урушдан аввалги даражасига етказилади.

Фабрика комитетининг раиси Ўртоқ И. М. Сидоров йиғилишни очиб, ремонт-механика цехининг мастери Ўртоқ А. Г. Артамоновга сўз берди.

— Мен ҳаммамиз учун энг қадрдон, энг қимматли бўлган кишини — халқларнинг улуғ йўлбошчиси Иосиф Виссарионович Сталини РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этаман. (Йиғилишда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ўринларидан туради. Совет халқининг севикли йўлбошчиси шарафига узоқ вақтгача гулдурос олқишлар давом этади).

Стахановчи ишчи Ўртоқ К. М. Корягин сўзга чиқади.

— Мен, — дейди у, —улуғ Сталининг содиқ сафдоши, мамлакатимизнинг кўзга кўринган давлат арбоби, СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари Алексей Николаевич Косигинни ҳам РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этаман. А.Н. Косигинни ленинградлилар улуғ рус халқининг муносиб фарзанди деб яхши танийдилар. А. Н. Косигин халқ хўжалигини тиклаш ва янада мустаҳкамлаш, социалистик ватаннинг қудратини мустаҳкамлаш соҳасида ҳормай-толмай зўр бериб ишламоқда. Алексей Николаевич Косигин —республикамиз олий ҳокимият органи депутатлигига муносиб номзодир (Олқишлар).

Йиғилишда сўзга чиққан стахановчи Ўртоқ Н. М. Васильева, инженер Ўртоқ Н. Я. Абрамов ва бошқа кишилар И. В. Сталин ва А. Н. Косигин номзодларини қизғин қувватладилар.

«Коммунар» фабрикаси ишчилари, мутахассислари ва хизматчиларининг умумий йиғилиши Ўртоқ Иосиф Виссарионович Сталин ва Ўртоқ А. Н. Косигинни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатишга яқдиллик блан қарор қилди.

Йиғилиш округ сайлов олди кенгашида қатнашиш учун 10 та вакил сайлади.

МОСКВА ОБЛАСТЬ, КРАСНОГОРСК САЙЛОВ ОКРУГИ

КРАСНОГОРСК ЗАВОДИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕРЛАРИ, ТЕХНИКЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

Георгий Максимилианович МАЛЕНКОВНИ

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД ҚИЛИБ КЎРСАТДИ

Красногорск заводининг мингларча ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишга тўпландилар.

Кеч соат 6. Цехда сукунат ҳукм сурмоқда. Завод комитетининг раиси Ўртоқ Морозов ишчилар, хизматчилар, инженер ва техниклларнинг умумий йиғилишини очиқ деб э'лон қилади.

ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўртоқ И. В. Сталин бошлиқ Сиёсий бюроси узоқ давом этган гулдурос олқишлар остида фахрий президиумга сайлакади.

Завод бош технологининг Ўринбосари партиясиз Ўртоқ Андреевга сўз берилади.

— 9 февраль куни, — дейди Ўртоқ Андреев, — РСФСР халқлари давлат ҳокимияти олий органига депутатлар сайлайдилар. Мамлакатимиз инсониятнинг энг ёвуз душмани бўлмиш герман фашизми устидан улуғ йўлбошчи ва саркарда Ўртоқ Сталининг раҳбарлиги остида ғалаба қозонган пайтдан буён бир ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Совет халқи яна тинч ижодий меҳнатга кириши. Мамлакатимиз олдида, бизнинг ҳарбиримиз олдида Сталинча янги бешйиллик планни бажаришда қатнашиш каби мас'улиятли вазифа турали.

— Бугун биз РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатиш учун тўпландик. Мен коллективимиз номидан улуғ Сталининг содиқ сафдоши, СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари Георгий Максимилианович Маленковни Красногорск сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этаман (давомли олқишлар).

Ўртоқ Андреев давлат ишлари ва сиёсат соҳасида кўзга кўринган арбоб Ўртоқ Маленковнинг ҳаёт йўли ҳақида, унинг Ватан уруши кунларида Ватан олдида қилган хизматлари тўғрисида гапиради.

Йиғилишда стахановчи Ўртоқ Силачева, инструментал цехининг бошлиғи Ипполитов ва бошқа Ўртоқлар бирин-кетин минбарга чиқадилар.

Механик Карасев бундай деди:

— Улуғ Сталининг сафдоши бўлган Ўртоқ Маленковнинг бутун ҳаёти, бутун фаолияти халқ ишига бағишланган. Ўртоқ Маленков Ватан уруши кунларида Давлат Мудофаа Комитетининг а'зоси бўлиб ишлаб, ўзининг бутун куч-қувватини душман техникасидан кўп марта устун турган янги совет техникасини яратиш учун сарф қилди. Биз СССР Олий Советига ўз округимиздан сайланган Ўртоқ Маленковни муносиб депутат деб биламиз. Мен Ўртоқ Маленков номзодини қизғин қувватлайман (Олқишлар).

Йиғилиш Ўртоқ Г. М. Маленковни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга яқдиллик блан қарор қилди.

Красногорск заводи ходимлари умумий йиғилишининг қарори

Красногорск заводи ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларининг умумий йиғилиши Москва область, Красногорск сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатиш масаласини муҳокама қилиб, қарор қилади:

1. ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'зоси, ССР Иттифоқи Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ватанимизга, Ленин-Сталининг буюк ишига содиқ эканлигини амалда кўрсатган ва совет халқининг садоқатли лойиқ фарзанди бўлмиш Георгий Максимилианович Маленков Красногорск сайлов округи бўйича Красногорск заводи ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилсин. Георгий Максимилианович Маленков 1902 йилда туғилган, 1920 йилдан буён ВКП(б) а'зоси.

2. Г. М. Маленковдан Красногорск сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутати қилиб овозга қўйишга розилик бериши сўралсин. (ТАСС).

МОСКВА ШАҲАР, ДЗЕРЖИНСКИЙ САЙЛОВ ОКРУГИ

СССР ТРАНСПОРТ МАШИНАСОЗЛИГИ МИНИСТРЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВИ

Николай Александрович БУЛГАНИННИ

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД ҚИЛИБ КЎРСАТДИ

«Уран» кино-театрига бир ярим мингдан ортиқ киши тўпланган эди. Бу ерга РСФСР Олий Совети депутатлигига Москва шаҳар, Дзержинский сайлов округидан номзод кўрсатишга бағишланган сайлов олди йиғилишига СССР Транспорт машинасозлиги министрлигининг инженер-техник ходимлари, ишчи ва хизматчилари тўпландилар.

Бу ер байрамдагидек жиҳозланган. Катта қизил алвонга:

«Яшасин совет халқининг йўлбошчиси улуғ Сталин!» деб ёзиб қўйилган.

Министрлик маҳаллий комитетининг раиси С. Н. Карпеев йиғилишни очди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўртоқ И. В. Сталин бошлиқ Сиёсий бюроси баланд руҳ блан йиғилишнинг фахрий президиумига сайланади. Бу ерга тўпланган кишилар совет халқининг буюк доҳийсини ва унинг содиқ сафдошларини гулдурос қарсаклар блан олқишлайдилар.

ССР Иттифоқи Транспорт машинасозлиги министрининг Ўринбосари И. А. Лебедев биринчи бўлиб сўз олади.

— Бугун, — дейди у, — биз жаҳонда энг демократик конституция бўлмиш Сталин Конституцияси асосида РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатиш учун тўпландик. Мен ўйлайманки, ССР Иттифоқи Қуролли Кучлар Министрининг биринчи Ўринбосари, армия генерали Николай Александрович Булганинни республикамиз Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этиш блан сизларнинг фикрингизни баён қилаётган бўлсам керак (давомли олқишлар).

— Николай Александрович Булганин ўзининг бутун куч-қувватини, билим ва тажрибаларини социалистик давлатимизни мустаҳкамлаш ва унинг янада гуллаб яшнаши учун сарф қилмоқда, — дейди Ўртоқ Лебедев.—Биз Н. А. Булганиннинг РСФСР Олий Совети депутатлигига муносиб номзод бўлажагига аминмиз.

СССР Транспорт машинасозлиги министрлиги план бўлимининг бошлиғи Ф. А. Васин, ВЛКСМ комитетининг а'зоси Л. Г. Чеппова, министрлик партия комитетининг секретари А. А. Кошкин ва бошқалар сўзга чиқиб, бу таклифни қизғин қувватладилар.

Йиғилиш қатнашчилари Н. А. Булганинни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида яқдиллик блан қарор қабул қиладилар.

Йиғилишда ҳозир бўлган кишилар ғоят баланд руҳ блан Ўртоқ И. В. Сталинга табрик қабул қилдилар.

Йиғилиш қатнашчилари РСФСР Олий Советига сайлов ўтказадиган Москва шаҳар, Дзержинский сайлов округининг округ сайлов олди кенгашида қатнашиш учун 30 вакил сайладилар.

ССР Иттифоқи Транспорт машинасозлиги министрлиги ходимлари коллективи умумий йиғилишининг қарори

ССР Транспорт машинасозлиги министрлиги инженер-техник ходимлари, ишчи ва хизматчиларининг умумий йиғилиши Москва шаҳар, Дзержинский сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатиш масаласини муҳокама қилиб, ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. ССР Иттифоқи Қуролли Кучлар Министрининг Ўринбосари армия генерали Николай Александрович Булганин ССР Иттифоқи Транспорт машинасозлиги министрлиги инженер-техник ходимлари, ишчи ва хизматчилари коллективидан Москва шаҳар, Дзержинский сайлов округи бўйича РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилсин. Н. А. Булганин 1895 йилда туғилган, ВКП(б) а'зоси.

2. Ўртоқ Н. А. Булганиндан Москва шаҳар Дзержинский сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига ўз номзодини овозга қўйиш учун розилик бериши сўралсин. (ТАСС).

ТРАКТОРЧИЛАР РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ МУРОЖААТИГА ЖАВОБАН

Ҳамма тракторларни 20 январьгача ремонтдан чиқарамиз

Фарғона область, Бувайда районидаги иккинчи машина-трактор станциясининг коллективи Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш сталинча программасини амалга оширишнинг биринчи йилида яхши муваффақиятларга эришди. Ана шу программага кўра, 1953 йилда районимизда пахта далаларининг 95 процента машиналар блан ишланиши кўзда тутилган эди. Биз бу соҳада ўтган йилнинг ўзидаёқ яхши натижага эришиб, пахта далаларининг 93 процентини машиналар блан ишладик.

Машина-трактор станциясининг коллективи ўз олдига қўйилган вазифани яхши тушиниганн туфайли, ўтган йилда трактор ишлари плани ортиғи блан адо этилди. МТС планлаги 26 минг 980 гектар ўрнига 32 минг 300 гектар ер ишлаб, планни 123 процент бажарди. Чигит экиш топшириғи ҳам 126 процент, баҳори ер ҳайдаш плани 129 процент адо этилди. МТСдаги 17 та трактор бригадасилан 16 таси йиллик топшириқни тўла ва ортиғи блан адо этди. МТС тракторчилари ўтган йилги иш даврида 8 минг 900 килограмм ёнилғини тежадилар.

МТСдаги айрим бригадалар яна ҳам яхши кўрсаткичларга эришдилар. Тракторчилар республика кенгашига вакил бўлиб борган бригада механиги Ўртоқ Султонмаҳмуд Маҳмудов планлаги 900 гектар ўрнига 1 минг 600 гектар ер ишлаб, 1 минг 700 килограмм ёнилғини тежади. Шунингдек, Меликўзи Дўстматов бошлиқ бригада 1 минг 100 гектар ўрнига 1 минг 470 гектар ер ишлаб, 2 минг 300 килограмм ёнилғини тежаб берди.

Кўклам дала ишлари олдидан минг гектарчилар ҳаракатига қўшилган тракторчилардан 25 таси ўз ва'далари устидан чиқиб, мажбуриятларини ортиғи блан адо этдилар. Минг гектарчиларимизлан Усмон Ҳасанов 1 минг 470 гектар, Отахонов 1 минг 410 гектар, Тўлғонов 1 минг 380 гектар ва Раҳимов 1 минг 270 гектар ер ҳайдадилар.

Район МТСининг тракторчилари ва механизация ходимларининг колхозларга яхши ёрдам беришлари натижасида Бувайда райони пахта тайёрлаш йиллик планини ошириб адо этди.

МТС коллективи ўтган йилда эришган ана шу муваффақиятларини мустаҳкамлаш учун курашиб, тракторларни кўклам дала ишларига ўз вақтида намунали тайёрлаш учун зўр бериб ҳаракат қилаётир. Биз 3 та СХТЗ тракторини капитал ремонт, 11 та турли тракторни жорий ремонтдан чиқаришимиз ва 19 та тракторни техника кўригидан ўтказишимиз лозим.

МТС тракторчилари ва ремонтчи ишчилари республика тракторчилар кенгаши қатнашчиларининг мурожаатини қизғин қарши олдилар. Улар Ўзбекистон ССР Олий Советига бўладиган сайлов шарафига бошланган социалистик мусобақани янада қизитиб, ремонт қилинадиган барча тракторларни 20-нчи январьгача тайёр қилиш мажбуриятини олдилар ва райондаги биринчи МТС коллективини социалистик мусобақага чақирдилар.

МТС коллективи тракторчилар республика кенгаши қатнашчиларининг мурожаатига амал қилиб, ўз устига олган мажбуриятини шараф блан бажараётир. Бугунгача 17 трактор ремонтдан чиқарилиб, дала ишларига тайёр қилинди. Абдуллажон Рустамов, Меликўзи Дўстматов, Қўдошев ва Бобобеков Ўртоқлар бошлиқ бўлган бригадалар ўз тракторларини ремонтдан сифатли чиқариб бўлдилар.

Тракторлар ва қишлоқ хўжалик асбобларини ремонт қилиш ишига МТС устахонасининг коллективи яхши ёрдам бераётир. Темирчи ишчи Ўртоқ Медьведев кунлик нормасини 220—240 процент, слесарьлардан Карим Маҳмудов ва Куликов Ўртоқлар топшириқни 150 дан 190 процентгача адо этаётирлар. Тракторларни ремонт қилаётган тракторчилар ва ремонтчи ишчилар учун яхши маданий ва маиший шароит яратилган. Улар ҳар куни икки маҳал иссиқ овқат оладилар, яхши ётоқхоналар блан та'минланганлар. Ётоқхоналарда газета ва журналлар бўлиб, тайинланган агитаторлар оммавий тушинтириш ишларини ўтказаётирлар.

МТС коллективи республикамизда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш сталинча программасининг иккинчи йили топшириқларини ҳам муваффақият блан адо этишда район колхозларига фаол ёрдам берали.

Турсун СОДИҚОВ.

Фарғона область, Бувайда район иккинчи МТС директори

Пахта ҳосилининг кўтарилишидан биз ҳам манфаатдормиз

Мен икки йилдан бери Димитров номли колхознинг чигитини экиб бераман ва ғўзаларини культивация қиламан. Ўзим шу колхознинг а'зоси бўлганим учун ишнинг юқори сифатли ўтишига катта аҳамият бераман. Шунинг натижасида мен универсал блан эккан ерда чигит бир текис униб чиқади. Ғўзалар тез авж олиб, серҳосил бўлади. Шунинг туфайли Димитров номли колхоз бошқа қўшни колхозлар пахта планини бажармаган йиллари ҳам давлатга пландан ошириб ҳосил топшириб келади. Ўтган йил колхоз 198 гектар пахта ерининг ҳар гектаридан 18 центнер ўрнига 24 центнердан ҳосил олди.

Колхоз пахтадан юқори ҳосил олиш натижасида 1946 йилда 1945 йилга нисбатан анча кўп даромад қилди. Бундан мен ҳам катта манфаатдорман. Масалан, 1945 йилда колхозчиларнинг ҳарбир меҳнат кунига 7 сўмдан пул берилган бўлса, мен ҳарбир меҳнат кунимга 2 сўмдан ҳақ олган эдим. 1946 йилда ҳосил кўтарилиши натижасида колхозчиларнинг меҳнатига 12 сўмдан пул тушиши мўлжалланади. Мен эса, ҳарбир меҳнат кунимга ўтган йилги 2 сўм ўрнига 7 сўмдан пул оламан.

Тракторчилар республика кенгашининг мурожаатида тракторчиларнинг иши колхознинг ҳосилига қараб баҳоланиши айтилган. Бу жуда ҳам зарур нарса эди. Бу тадбир ҳарбир тракторчининг иш унумини оширишгагина эмас, ишнинг юқори сифатли ўтишига ҳам сабаб бўлали. Мен ўтган йил бир универсал блан 600 гектар ўрнига 1.350 гектар ердаги ғўзани культивация қилдим ва 198 гектар ерга чигит экиб бердим. Бу йил ўтган йилгидан ҳам яхшироқ ишлашим кераклигини англамоқдаман. Универсалимни январь ойи ичида юқори сифатли қилиб ремонтдан чиқариб 1947 йилда чигит экиш ва ғўзани культивация қилиш ишлари бўлиб, ҳаммаси 2.000 гектар ерни ишлаб бераман. Бу эса, колхознинг гектаридан 30 центнер ҳосил учун курашига катта ёрдам беражак.

Ҳомидхон ЗОКИРОВ.

Наманган район 1-нчи МТСининг универсалчиси.

МУРОЖААТ АСОСИДА ЯНГИ МАЖБУРИЯТЛАР

Жарқўрғон район 1-нчи МТСининг (директори Ўртоқ Жеводеров) илғор трактрчилари, республика кенгашининг мурожаатини зўр қизиқиш блан қарши олдилар.

Кенгаш қатнашчиси Ўртоқ Юнус Маматқулов бошлиқ трактор бригадасининг тракторчилари 1946 йилда 2.300 гектар ер ҳайдаб, йиллик планларини 200 процентга етказиб бажарган эдилар. Бригаданинг илғор тракторчиси Ўртоқ Абдурраҳмон Чорнев 700 гектар ер ҳайдаб 300 килограммдан ортиқ ёнилғи тежали.

Бригадаларги тракторчилар ўз бошлиқлари Ўртоқ Маматқуловнинг кенгаш ҳақилаги ҳисобини эшитгач, 1947 йилда янги мажбуриятлар олдилар. Тракторчи Ўртоқ Хўжанов 1947 йилда ўз трактори блан 800 гектар ер ҳайдаб, 500 килограммдан кам бўлмаган миқдорда ёнилғи тежаш мажбуриятини олди.

Бригададаги 3 СХТЗ ва 1 универсал тракторлар ҳозир ремонт паркига келтирилган. Тракторларни тракторчилар республика кенгаши мурожаатида кўрсатилган муддат—16 февральгача батамом сифатли қилиб ремонтдан чиқариш учун ғайрат блан ишламоқдалар.

МТСнинг Ўртоқ Ҳаким Эшмирзаев бошлиқ трактор бригадасила ҳам мурожаат зўр қизиқиш блан қарши олинди. Бригаданинг тракторчилари ўтган йили 1.800 гектар ер ҳайдаган бўлсалар 1947 йилда 2.500 гектарга етказиб ер ҳайдаш учун курашни ҳозирдан қизитиб, ўз тракторларини кўклам ишига шайлаб қўядилар.

МТСда 56 та СХТЗ ва 29 та универсал тракторлар бор. Булардан ҳозир 32 та СХТЗ ва 16 универсал тракторлари ремонтдан чиқарилиб, кўкламга тайёр қилинди. Ремонт паркидаги стахановчи тракторчилар қолган тракторларни ҳам ЎзССР Олий Советига сайловлар куни 16 февральгача сифатли қилиб ремонтдан чиқариш ва тракторларни ҳамда тирков асбобларини кўклам ишига тайёрлаш учун зўр ғайрат блан ишламоқдалар.

Л. ҲАМРОЕВ.

Мурожаат ғайратга ғайрат қўшди

Илғор тракторчилар республика кенгашининг мурожаати 1947 йилда қиладиган ишимизнинг программасини чизиб берди. Мен кенгашда қатнашганимда бу мурожаатни эшитарканман — ғайратимга-ғайрат қўшилиб, 1947 йилда ўтган йилгидан ҳам яхшироқ ишлашга аҳд қилдим.

Мен 1946 йилда СХТЗ тракторим блан 555 гектар ер ҳайдаб, йил давомида 864 килограмм ёнилғи тежадим. Кузги тадбирларни бажаришга ҳам ғайрат блан киришдим. Кузда 180 гектар ер ҳайдалим. Кўкламги ишларни кам-кўстсиз бажариш тракторнинг тўхтовсиз ишлашига боғлиқ эканлигини яхши тушинамаи. Шунинг учун ҳам мен ўз тракторимни ремонт қилаётирман.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар куни 16 февральгача тракторимни тўла равишда юқори сифатли ремонтдан чиқариб, кўклам ишига шайлаб қўяман. Бу мажбуриятни албатта бажараман.

Нурали ОЛИМҚУЛОВ.

«Сурхон» пахта совхозининг тракторчиси.

Бешинчи суҳбат

Сиёсий мактаб ўқучиларига ёрдам

Совет халқи СССРда қандай қилиб социализм қурди

Профессор Б. ВОЛИН

1.

1918—1921 йилларда граждан уруши тамом бўлди. Совет халқи ўз озодлиги ва мустақиллигини шараф блан сақлаб қолди ва тинч қурилиш ишларига киришди. Совет халқи бу соҳада катта қийинчиликларга дуч келди. Тўрт йил давом этган биринчи жаҳон уруши даврида ва совет халқининг ажнабий интервентлар ҳамда оқгвардиячиларга қарши олиб борган уч йиллик кураши даврида қолоқ мамлакат халқ хўжалиги тамомила вайрон ҳолга келган эди.

Большевиклар партияси мамлакатдаги аҳволнинг ғоят кескинлашганлигини билар эди. Совет давлатини мустаҳкамлаш ва Октябрь баррикадаларида бошланган тинчлик ишни давом этдириш учун моҳирлик, қат'ият ва тезлик блан ҳаракат қилмоқ керак эди. Ишчилар синфи олдида турган мақсад тамомила равшан эди. Бу мақсад — социализм қуришдан иборат эди. Аммо, бу мақсадга қандай воситалар блан эришиш керак? Ишни нимадан бошлаш керак? Биринчи галда, қишлоқ хўжалигини юксалтириш, мол оборотини кучайтириш учун дарҳол жиддий чоралар кўриш керак эди.

Совет ҳокимияти граждан уруши даврида йирик саноатдан ташқари яна ўрта ва майда саноатни ҳам ўз назоратига олди. Нон-галла савдоси давлат монополиясига олинди, нон-галла блан хусусий савдо тақиқланди. Давлат деҳқонлардан ортиқча галлаларининг ҳаммасини озиқ-овқат развёрсткаси йўли блан олишга мажбур бўлди. Ўша вақтда Ленин: «Галла учун кураш—социализм учун кураш» деди. Умумий меҳнат мажбуриятининг жорий қилинди. Бу чораларнинг ҳаммасе ҳарбий коммунизм даврининг сиёсати эди. Бу сиёсат муваққат бир чора бўлиб граждан уруши натижасида ва уруш орқасида келиб чиққан вайронлик натижасида шу сиёсатни амалга оширишга тўғри келган эди.

Оқгвардиячиларга ва интервентларга қарши қуролли кураш олиб борилган даврда ишчилар синфининг деҳқонлар блан ҳарбий-сиёсий иттифоқи вужудга келди ва мустаҳкамланди. Совет давлати деҳқонларга ер берди ва уларни помещчик ҳамда қулоқлардан ҳимоя қилди. Уруш бўлиб турган даврда деҳқонлар кўп қурбон бердилар. Аммо, помещчикларнинг қайтиб келиши хавфи йўқотилганидан кейин деҳқонлар озиқ-овқат развёрсткасидан норози бўла бошладилар.

Айни замонда граждан уруши йилларидаги ҳамма машаққатларга кўпроқ бардош берган ишчилар вайронлик орқасида келиб чиққан қийинчиликдардан айниқса кўп қийналдилар. Кўпгина фабрика ва заводлар ишламади, ба'зи фабрика ва заводлар мунтазам ишламади. Мамлакатда талайгина ишсизлар бор эди.

Ишчилар блан деҳқонлар иттифоқи хавф остида қолди. Ҳолбуки, ишчилар блан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаймай туриб, қишлоқ хўжалигини юксалтириш, саноатни вайронликдан қутқазиш мумкин эмас эди. Ҳарбий коммунизм системаси ўрнига бошқа хўжалик системасини жорий қилиш керак эди.

Ленин хўжалик қурилиши масалаларе юзасидан янги йўл-йўриқ кўрсатди. Большевиклар партиясининг 1921 йил март ойида бўлган X қурултойи Ленининг таклифига биноан ҳарбий коммунизм сиёсатидан янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га кўчиш тўғрисида қарор қабул қилди. Озиқ-овқат развёрсткаси ўрнига озиқ-овқат солиғи жорий қилинди, бу солиқ озиқ-овқат развёрсткаси миқдоридан кам эди. Галла солиғи тўланганидан кейин деҳқонлар ихтиёрида қолган ортиқча галлани бозорда бемалол сотишга рухсат берилди. Бу сиёсат деҳқонларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан бўлган манфаатларигина оширди. Янги иқтисодий сиёсат социалистик саноатнинг қишлоқ хўжалиги блан алоқасини мустаҳкамлашга ёрдам берди. Дастлабки даврда галла блан эркин савдо қилиш мамлакатда капитализмнинг бирмунча жонланишига сабаб бўлди, албатта. Партия буни билиндан кўрар эди. Совет давлати хусусий савдога йўл қўйиш блан бирга капиталистик унсурларнинг эксплоататорлик майилларини чеклаш сиёсатини ҳам амалга оширди.

Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) хўжаликда социалистик унсурлар блан капиталистик унсурлар ўртасидаги ҳаёт-мамот кураши эди. Ленин «ким кимни енгади», я'ни капитализм социализмни енгадими ёки аксинча социализм капитализм устидан ғалаба қозонадими, — масала шу тарзда турали деб огоҳлантирди.

Ленин ва Сталин узоқни кўрар эдилар. Улар қишлоқ хўжалигининг ривожланиши давлат саноатининг ривожланишига ҳом ёрдам берали, мустаҳкамланиб юксалиб боручи социалистик хўжалик мамлакатда мол оборотини ўз қўлига олали ва провардида капиталистик унсурларни суриб чиқаради, деб билар эдилар. Совет давлатининг вазифаси янги иқтисодий сиёсат асосида, йирик саноат, темир йўл банк ва ташқи савдога эга бўлган ҳолда, социализмнинг иқтисодий негизи бўлиши қудратли саноатни вужудга келтириш учун куч ва маблағ тўплашдан иборат эди. Сўнгра, вазифа — деҳқонларни секин-аста кооперацияниг турли шакларига жалб этишдан иборат эди. Ленининг машҳур кооператив плани ишчилар блан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашда, деҳқонларни социализм қурилишига тортишда большевиклар партиясига ёрдам берди.

Большевиклар партияси илҳомлантирган совет халқининг фидокорона меҳнати натижасида вайронгарчиликка тезликда хотима берилди. Совет мамлакати 1924—1925 йилларга келганда ўз хўжалигини деярлик тамомила тиклади. Аммо, бу —социализм қуриш соҳасидаги ишнинг бошланиши эди, ҳалос. Лекин, шунга қарамай, бу Ленининг НЭП Россиясини социалистик Россияга айлантириш тўғрисидаги дохийлик блан қилган васиятини амалга ошириш йўлида муваффақият блан қўйилган дастлабки қадамлар бўлди.

2.

1922 йилда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тузилди. Ишчилар ва деҳқонларнинг ўзларини эзиб келган золимларга ва эксплоататорларга қарши, оқгвардиячиларга ва ажнабий интервентларга қарши олиб борган кураши натижасида СССРнинг тузилишига асос қўйилди.

ССР Иттифоқи ленинча-сталинча миллий сиёсатни муваффақият блан амалга ошириш орқасида вужудга келди. Ма'лумки, совет давлати барпо қилинган биринчи кунлариданоқ, илгари Россия составида бўлиб эзилиб келган барча халқларнинг сиёсий жиҳатдан тамомила тенг ҳуқуқли эканлигини э'лон қилди. Совет давлати бу блан чекланиб қолмади. Совет давлати мамлакатимиздаги барча халқларга бу ҳуқуқлан фойдаланишда, ўз миллий давлатларини тузишда шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятларини ривожлантиришда, ўз саноатларини вужудга келтиришда, қишлоқ хўжалигини юксалтиришда ҳам ёрдам қилди. Илгари эзилган халқларнинг ҳаммаси совет давлатининг катта ёрдами соясида, иқтисодий ва маданий қолоқликларини тугатиш йўлидаги курашни муваффақият блан қизиқиб юбордилар, улар ўзларининг азиз ҳокиминятларига, улуғ рус халқига меҳр-муҳаббат ва ишонч блан қарадилар. Чор ҳукуматининг қабиҳ сиёсати халқлар ўртасида ишончсизлик туғдирган эди. Ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг муваффақиятли суратда амалга оширилиши ана шу ишончсизликни йўқотди, мамлакатимиздаги халқларнинг дўстлигига ёрдам берди, улар ўртасида бирлашиш сари ҳаракатни кучайтирди.

1922 йил 30 декабрьда Бутун Иттифоқ Советларининг I қурултойи бўлди. Ленин ўша вақтда қаттиқ бетоб эди. У қурултойга қатнаша олмади. Қурултойга раҳбарлик қилган ўртоқ Сталин ўз докладида Иттифоқ тузилган куни совет давлати тарихида бурилиш куни эканлигини, бу янги давр совет республикаларининг алоҳида ажралиб яшашларига хотима беражагини ва бир бутун иттифоқ давлати халқаро миқ'ёсда катта бир кучга айланаётганини та'кидлади. Республикаларнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқли бўлишидан иборат ленинча-сталинча принципи уларнинг бирлашуви учун асос қилиб олинди. Шу блан бирга ҳарбир республикага Иттифоқдан ўз хоҳиши блан чиқиш ҳуқуқи берилди.

ССР халқларининг қардошлик оиласида тенг ҳуқуқли халқларнинг биринчиси бўлмиш улуғ рус халқи Совет Иттифоқини тузиш ва мустаҳкамлашда ҳал қилувчи роль ўйнади. Мамлакатимизнинг илгари ҳуқуқсиз бўлиб эзилиб келган халқлари улуғ рус халқининг ёрдами соясида янги ҳаёт кирдилар.

Рус жангчилари граждан уруши даврида Ленин-Сталин партиясининг раҳбарлиги остида ажнабий интервентларга ва буржуа миллатчиларига қарши курашда украинлар, белоруслар, грузинлар, арманлар, озарбайжонлиларга ва бошқа халқларга ёрдам бергани каби граждан уруши тамом бўлганидан кейин ҳам руслларнинг қадимги марказлари — Москва, Ленинград, Нижне-Новгород, Иваново, Тулалан мамлакатнинг миллий районларига социалистик хўжаликнинг мингларча ташкилотчилари юборилди.

Мамлакатимиздаги барча халқлар қардошларча ёрдам ва кўмак берганлиги учун ўз оғалари, курашдаги дўстлари бўлмиш рус халқини беҳад севдилар. СССР гимнида бунлай дейилади:

Ҳур республикалар бузилмас союзин
Уюштирди мангу Улуғ Рус халқи

Мамлакатимизнинг халқлари Совет Иттифоқини вужудга келтирмаганларида ва мустаҳкамламаганларида эди, хўжалик ва ҳарбий жиҳатдан энг кучли бўлган империалистик давлатлар учун бир ўлжа бўлиб қолур эдилар. Совет республикалари Ленин-Сталин партиясининг байроғи остида бирлашиб, ана шу оғир қисматдан қутилдилар, Совет Иттифоқи эса тарихий жиҳатдан қисқа вақт ичида дун'ёдаги энг кучли давлатларнинг бирига айланди.

Империалистлар совет ҳокиминятининг мустаҳкам эканлигини ва тахлил қилиш йўли блан унга ўз ниятларини бажартираолмасликларини кўриб билдилар. Улар совет давлатини таништга мажбур бўллилар, 1924 йил февраль ойининг бошларида Буюк Британия, сўнгра Италия, Норвегия, Австрия, март ойида Греция ва Швеция, май ойида Хитой, июнь ойида Дания, август ойида Мексика, октябрь ойида Франция совет ҳукуматини расмий суратда таниплар. 1925 йилда Япония блан, 1933 йилда эса Америка Қўшма Штатлари блан дипломатия муносабатлари ўрнатилди.

Ватанимизнинг халқаро миқ'ёсдаги аҳволи тобора мустаҳкамланди. Совет дипломатияси мамлакатимизнинг хўжалик ва ҳарбий қудратига таяниб, халқаро миқ'ёсда ленинча-сталинча сиёсатни муваффақият блан амалга оширди. Биз тинч қурилиш ишларини бажариш учун узоқ вақт нафасни ростлаб олиш имкониятига эга бўлдик.

1924 йил 21 январьда бизнинг халқимиз ва бутун дун'ё меҳнаткашлари бошига жуда оғир мусибат тушди: Ленин вафот этди. Большевиклар партиясини тузган дохий, совет давлатининг доно ташкилотчиси, кенг халқ оммасининг севикли йўлбошчиси ва устози вафот этди.

Меҳнаткашлар чуқур қайғириб ўз дохийси блан видо'лашди. В. И. Ленинни лафз этиш кунида халқаро пролетариат ҳамма ишларини беш минут тўхтатди.

Душманларимиз руҳланиб қолдилар: улар Ленин вафотидан кейин социализм қурилишига халақит бера оламиз деб ўйладилар. Аммо, улар янглишдилар.

Ўртоқ Сталин СССР Советларининг II қурултойида Ленининг васиятларини шараф блан бажарамиз деб большевиклар партияси номидан қасам'ёд қилди. Бу, большевиклар партиясининг улуғ дохийси Ленинга ёд қилган қасами эди. Ленин абадий яшайди.

Ишчилар синфи дохийнинг вафоти муносабати блан Ленин-Сталин партияси теварагига янада маҳкам жиплашди. 240 мингдан ортиқ энг онгли ва энг яхши ишчилар большевиклар партияси сафига кирдилар. Халқ ишончи блан Ленин йўлидан борди. Ўлмас Ленининг дўсти ва сафдоши Иосиф Виссарионович Сталин халқни шу йўлдан олиб борди.

3.

Совет мамлакати халқ хўжалигини тиклашни тамомламоқда эди. Аммо, бу блан чекланиб бўлмас эди. Ма'лумки, чор Россиясининг хўжалиги қолоқ ва ярим қашшоқ мамлакат хўжалиги эди. Мамлакатнинг хўжалик ва маданий қолоқлигини тугатиш керак эди. Бутун халқ хўжалигини социалистик негизда қайтадан қуриш йўли блангина бунга эришмоқ мумкин эди. Вазифа социализм сари олға боришдан иборат эди. Ўртоқ Сталин Ленининг бир мамлакатда социализм қуриш тўғрисидаги та'лимотини душманларга қарши курашда сақлаб қолди ва ривожлантирди, капиталистик қуршов шароитида СССРда социализм қуриш программасини ҳар жиҳатдан ишлаб чиқди. Ўртоқ Сталин бу блан партияга ва бутун халққа олдимизда турган вазифаларни равшан тушунтириб берди, уларда буюк социализм ишининг ғалаба қозонишига ишончни оширди.

Ўртоқ Сталин ВКП(б) нинг 1925 йил декабрь ойида бўлган XIV қурултойида большевиклар партияси олдида, бутун совет халқи олдида бутун халқ хўжалигини социалистик негизда қайтадан қуришдан иборат буюк планни, Совет мамлакатини социалистик негизда саноатлаш планини баён қилиб берди, план чуқур ўйлаб тузилган план эди.

Ўртоқ Сталин бундай деди: «Бизнинг бош йўлимизнинг моҳияти, негизи, мамлакатимизни деҳқончилик мамлакатидан ўз кучлари блан зарур машина-асбоблар ишлаб чиқара оладиган саноатлашган мамлакатга айлантиришдан иборат».

Саноатлаш сиёсати доно ва бирдан-бир тўғри сиёсат эди. Халқ душманлари—троцкийчилар, зиновьевчилар, бухаринчилар ва ажнабий капиталнинг бошқа агентлари ўртоқ Сталининг саноатлаш сиёсатига қарши, мамлакатда оғир саноатни ривожлантиришга қарши чиқилар. Улар қишлоқ хўжалигини коллективлаштирмоқ, қулоқларни тугатишга ҳам қарши чиқилар. Улар Совет мамлакатини асосан қишлоқ хўжалиги мамлакати ҳолида қолдириш, я'ни саноати ривожланган капиталистик мамлакатларга ҳомашё етказиб берадиган қишлоқ хўжалиги мамлакати ҳолида қолдириш тарафдори эдилар.

Ўша даврда халқ душманлари ўзларининг қора ниятларини амалга оширганларида, Совет Иттифоқи империалист йиртқичлар олдида қуролсиз бўлиб қолур эди, совет тузуми ҳалокатга маҳкум этилган бўлур эди. Аммо, Ўртоқ Сталининг башорати ва қат'ий ҳаракати натижасида улар фош этилиб, йўқ қилиб юборилди.

Немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган Улуғ Ватан уруши ўртоқ Сталининг социалистик негизда саноатлаш сиёсати, Ватанимизни қутқазиб қолиш сиёсати бўлганлигини тамомила очиқ исбот қилди.

Ўртоқ Сталин уруш хавфи ўсмоқда, мамлакатни оғир саноатсиз мудофаа қилиб бўлмайди, оғир саноатни тезликда ривожлантириш керак деб такрор-такрор огоҳлантирди. Ўртоқ Сталин бу ишда кечиктириб қолиш ютқини қўлдан бой бериш демакдир деган эди.

Совет ҳукумати мамлакатни саноатлашни оғир саноатни ривожлантиришдан бошлади. Бу жуда қийин иш эди. Аммо, большевиклар ҳеч қачон қийинчиликлар олдида тўхтаб қолмадилар. Большевиклар партияси бутун халқимизни фидокорлик блан қаҳрамонларча меҳнат қилишга отлантирди. Большевиклар партияси ташқаридан ёрдам олмай, СССР халқларининг кучлари блан жуда қисқа вақт ичида қудратли социалистик саноатни вужудга келтиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйди.

Ҳукуматимиз 1929 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи бешйиллик планини лун'ёда биринчи марта илмий асосда тузиб чиқди ва тасдиқлади. Бу бешйиллик планни дохий ўртоқ Сталин тузган эди. Шу сабабдан бу план **Сталинча бешйиллик** деб аталди. Кенг миқ'ёсда қурилиш ишлари бошланиб кетди. Ишчилар синфи социалистик мусобақани қизитиб юборди, му'жизалар яратди. Планда белгиланган муддатларнинг ҳаммаси қисқартилди. Биринчи бешйиллик план тўрт йилу уч ойда бажарилди.

Совет халқи йирик саноатни қуриш учун зарур маблағларни тўплаш мақсадида қурбон беришдан қайтмали, кўп нарсалан воз кечди, ғоят тўғаб ҳаёт кечирди. Совет халқи большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида барча қийинчиликларни енгди ва тарихий сталинча бешйиллик планларни муваффақиятли суратда амалга оширди.

Бизнинг халқимиз биринчи бешйиллик даврида нималарга эришди? Мамлакатни саноатлашда мустаҳкам негиз бўлмиш қора металлургия мислсиз мустаҳкамланди ва ўсди. Станоксозлик саноати, химия саноати тез ривожлана бошлади. Совет мамлакатида жуда катта трактор ва автомобиль заводлари, комбайн ва қишлоқ хўжалик машиналари заводлари қўпдаб қурилди. Улуғ Сталин Сталинград трактор заводи коллективини буюк ғалаба блан табриклаб қуйидагиларни ёзди: «Сизлар мамлакатга ҳар йили беришингиз лозим бўлган 50 минг трактор эски буржуа дун'ёсини портлатучи ва қишлоқда янги социалистик тузумга йўл очучи 50 минг снарядир».

Янги авиация, артиллерия заводлари қурилди. Ҳали яқинлагиша қиррақлари ёнила сув гирдоби айланиб кўтарилган Днепрда Днепр гидроэлектростанцияси — Днепрогэс қурилди.

Электр қуввати, нефть ва тошкўмир жуда кўп чиқарила бошлади. Мамлакатнинг шарқида, Урол ва Сибирьда ўртоқ Сталин ташаббуси блан янги тошкўмир-металлургия базаси яратилди. Волга блан Урол ўртасида янги нефть базаси — «Иккинчи Боку» қурила бошлади. Ўрта Осиёда ва Ғарбий Сибирьда тўқимачилик саноатининг икки янги базасини қуришга киришилди. Трикотаж саноати, тикувчилик, пойафзал, гўшт, консерва, қоғоз саноати сўнгги техника асосида ускуналанди. Сталинча биринчи бешйиллик даврида совет юртида янги техника блан қуролланган бир ярим минга яқин янги корхоналар пайдо бўлди.

Янги шаҳарлар вужудга келди. Жанубий Уролда, Магнитная тоғи этакларида саноатлашган Магнитогорск шаҳри пайдо бўлди. Шимолда, Кольск ярим оролида, Хибиногорск шаҳри (ҳозирги Кировск шаҳри) қурилди. Қозоғистонда янги саноат маркази Караганда вужудга келди.

Сталинча биринчи бешйиллик Ватанимизнинг хўжалигини мустаҳкамлаш блангина қолмади. Бу бешйиллик натижасида ишчилар синфининг моддий аҳволи яхшиланди, мамлакатимиздаги барча меҳнаткашларнинг моддий аҳволи яхшиланиб, маданий савияси ўсди. Ишсизлик йўқотилди.

Социалистик қурилиш давомида мамлакатнинг иқтисодий қаёти ўзгариши блан бирга одамлари ҳам ўзгарди: янги, совет кишилари етишди. Совет кишисининг социалистик Ватанга чексиз садоқатли бўлиш, қийинчиликларни саботматонат ва фидокорлик блан енгиш, шахсий манфаатларни жамият манфаатларига бўйсундира билиш ва бошқа шу сингари олижаноб хусусиятлари камол топди.

Мамлакатимизда биринчи бешйиллик планнинг муваффақиятли бажарилиши натижасида социализмнинг моддий негизи бўлмиш кучли социалистик саноат вужудга келди.

Большевиклар партияси зўр бериб да'ват қилган ва совет халқи бутун кучи блан юзага чиқаришга интилган нарсалар бун'ёда келди. Ўртоқ Сталин биринчи бешйилликнинг якунларини тўплаб бундай деган эди: «...Совет Иттифоқи кучсиз ва мудофаага тайёрланмаган мамлакатдан ўзини мудофаа қила оладиган қудратли мамлакатга айланди, ҳарқандай тасодифларга қарши тайёр турган мамлакатга, мудофаанинг ҳозирги замонга хос ҳамма қуролларини кенг миқ'ёсда ишлаб чиқара оладиган ва ташқаридан ҳужум бўлиб қолган тақдирда ўз армиясини бу қуроллар блан та'минлай оладиган мамлакатга айланди».

4

Мамлакатни саноатлаш қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайтадан қуриш асосларини яратишга имкон берди.

Ўртоқ Сталин ВКП(б)нинг 1927 йил декабрь ойида бўлган XV қурултойида Ленининг кооператив планини ривожлантириб, қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайтадан қуришнинг амалий программасини илгари сурди. Бу план коллективлаштириш плани, я'ни миллионларча майда хусусий деҳқон хўжаликларини коллектив меҳнат йўлига, колхозлар йўлига, социализм йўлига кўчириш плани эди.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, деҳқонларимизни социализмга олиб борадиган асосий йўл бўлди. Большевиклар партияси, совет ҳукумати деҳқонлар асосий оммасини тараққиётнинг эски, капиталистик йўлидан янги, социалистик йўлига кўчира олдилар.

Большевиклар партияси қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини энг илғор машина техникаси блан, трактор, комбайнлар блан та'миналашга ҳаракат қилди, деҳқонларнинг қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришини ривожлантиришга, оғир меҳнатдан—деҳқонуислан қолган омоч-бўйинтуруқдан қутилишга, балавлат ҳаёт кечиришга ёрдам бериш учун бутун чораларни кўрди. Бунинг учун майда деҳқон хўжаликларини йирик, коллектив хўжаликларга бирлаштириб, уларнинг тракторлар, комбайнлардан фойдалана олишларини, қишлоқ хўжалигида фан ютуқларини татбиқ эта олишларини та'мин этиш керак эди.

Большевиклар партиясининг сиёсати деҳқонларга уларнинг ўз тажрибаларида колхозларнинг фойдали эканлигини очиқ кўрсатишни ва уларнинг ўз ихтиёрлари блан колхозларга киришини та'миналашга кўзда тутар эди. Бунинг учун партия хўжалик, ташкилий, тарбиявий соҳала жуда катта тайёргарлик ишлари олиб борди. Кооперация катта аҳамиятга эга бўлди. Кооперация деҳқонларни бирлашиб ишлашга ўргатди. Партия сиёсати тез орада ўз натижаларини берди. Деҳқонлар колхозларнинг фойдали эканини яхши билиб олдилар ва 1929 йилда коллективлаш йўлига, қулоқларни тугатиш йўлига ёппасига ўта бошладилар.

1929 йилнинг охирида, колхоз ва совхозларнинг ўсиши муносабати блан совет ҳокимияти қулоқларни чеклаш сиёсатидан уларни синф сифатида тугатиш, йўқ қилиш сиёсатига ўтди. Совет ҳокимияти ерни ижарага бериш ва одамларни ёллаб ишлатиш ҳақидаги қонунларни бекор қилди ва, шундай қилиб, қулоқларни ердан ҳам, ёлланиб ишлайдиган хизматкорлардан ҳам маҳрум этди. Совет ҳокимияти қулоқларни чеклашдан синф сифатида тугатиш сиёсатига ўтиб, деҳқонларга қулоқларнинг чорва молларини, машиналари ва бошқа асбоб-ускуналарини колхозлар фойдасига мусодара қилиб олиш учун рухсат берди.

Мамлакатимизда қулоқларнинг сўнгги ва энг кўп сонли эксплоататор синф сифатида тугатилиши, асосий деҳқонлар оммасининг колхозлар йўлига ўтиши мамлакатда капитализм илдизларини йўқотишга, қишлоқ хўжалигида социализмнинг ғалабасига, қишлоқда совет ҳокимиятини узил-кесил мустаҳкамлашга олиб келди.

Большевиклар партияси ҳокимиятни қўлга олганидан кейин 1930 — 1934 йилларда пролетар революциясининг энг қийин тарихий вазифасини бажарди, я'ни миллионларча майда хусусий мулкий деҳқон хўжаликларини колхозлар йўлига, социализм йўлига кўчирди. Қишлоқлар энди деҳқонлар учун ўгай она бўлмай қолди. Қишлоқлар янги, бахтиёр, колхоз қишлоғига айлана бошлади. Ҳозирги замон йирик машина техникаси блан та'миланган қишлоқ хўжалиги тез ва қат'ий ишонч блан юксала бошлади.

Колхозчи деҳқонлар большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида, ишчилар синфининг қардошларча ёрдами соясида ана шу чинакам тарихий ғалабага эришдилар. Шуни айтиш кифоя қилади: коллективлаш давридагина большевиклар партияси, ҳукумат ўн мингларча тажрибали ишчиларни ишлаш учун колхоз ва совхозларга юборилар. Совет шаҳри қишлоқларга ҳамма парса блан — одамлар, машиналар, фан ва маданият блан ёрдам берди. Ишчилар блан деҳқонлар иттифоқининг кучи бунда ҳам яққол кўринди.

Уларнинг колхозчиларнинг 1935 йилда бўлган II қурултойида қишлоқ хўжалик артели Устави қабул қилинди. Бу Уставнинг қабул қилиниши колхоз қурилишининг муваффақият қозониши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўртоқ Сталин бу Уставни тайёрлашда колхозчилар блан бирга қатнашди. Совет ҳукумати ишлаётган ерларнинг ҳаммасини ўртоқ Сталининг ташаббуси блан колхозларга абадий фойдаланиш учун бериш тўғрисида қонун қабул қилди.

5

Социалистик қурилиш жараёнида совет халқининг моддий аҳволи яхшиланди, маданий савияси ўсди. Бизнинг революциямиз халқни капитализм кишанларидан озод қилиш блан бирга унинг балавлат ҳаёт кечириши учун моддий шароит ҳам яратиб берди. Социалистик саноатнинг зўр бериб ўсиши ишчиларнинг моддий аҳволини яхшилашга ёрдам берди. Совет тузумининг хусусияти ва ғоят буюк устунлиги шундадир. Капитализм халқларни талаш ва меҳнаткашларни эксплоатация қилиш асосида саноатни ривожлантирди. Совет тузуми шароитида халқ хўжалиги меҳнаткашлар моддий аҳволининг доим яхшиланиши блан бирга ўса борали. Бизда ишчилар синфи учун жуда кўп уй-жойлар, янги дам олиш уйлари, санаторийлар, шифохоналар қурилди, ишчиларнинг иш ҳаки доим ошиб бормоқда.

Колхоз тузумининг ғалабаси қишлоқда қашшоқликни тугатди. 20 миллионлаб камбағаллар колхозларда тузук ҳаёт кечира бошладилар ва барча колхозчилар оммаси блан бирга давлатни ҳаёт учун кураш йўлига ўтилар.

Совет ҳукумати ишчи ва деҳқонлар ҳукуматидир. Совет ҳукумати учун халқнинг манфаатларидан ҳам, меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилишдан ҳам юксакроқ ғоя йўқдир. Шу сабабдан, сталинча бешйилликларнинг ҳаммасида меҳнаткашларнинг моддий аҳволини яхшилаш чораларига доим катта э'тибор қилинди.

Сталинча бешйилликлар мамлакатимизда чинакам маданий инқилоб ясади.

Улуғ рус халқининг маданияти совет маданиятини ривожлантириш ва юксалтиришда жуда катта роль ўйнади. Рус халқи фан, san'at ва адабиёт соҳасида жуда катта ишлар қилди. Аммо, мамлакатимизда совет ҳокимияти ўрнатилиб, халқнинг ўзи ўз ҳаётининг эгаси бўлиб, бу ҳаётни қайтадан қура бошлаган чоқдагина мамлакатимизда умуман маданиятни юксалтириш имконияти туғилди.

Халқ ҳар тарафлама маданий бўлмоғи учун ластаввал уни саводли қилиш керак. Эски, чор Россиясида яшаган аҳолининг жуда кўпчилиги саводсиз эди. Большевиклар партияси ва совет ҳокимияти Ленининг васиятларини бажариб, жуда кўп кишини тезликда саводли қилишга муваффақ бўлдилар. Совет Иттифоқидаги жуда кўп халқларнинг тилларида умумий мажбурий, бошланғич та'лим амалга оширилди.

Олий ма'лумот ҳосил қилиш соҳасида ҳам жуда катта ўзгаришлар бўлди. Чор Россиясида атиги 91 олий ўқув юрти бор эди. Совет Иттифоқида эса Улуғ Ватан уруши бошланган пайтгача 770 дан ортиқ олий ўқув юрти бор эди. Мамлакатимизнинг миллий республикаларида олий ўқув юртлари айниқса кўпайди.

Ма'лумки, халқнинг маданий савияси матбуот — газета, китоб ва журналларнинг кўплиги блан ҳам белгиланали. Мамлакатимиз бу соҳада ҳам жуда олға кетди. Совет китоблари, газета ва журналлари кенг халқ оммаси орасига илғор маданиятни ёймоқда.

Чор Россиясида меҳнаткашлар клуб, қироатхона, қизил бурчак, деҳқон уйлари, стадионлар каби маданий муассасаларни орзу ҳам қилаолмас эдилар. Энди-ликда ҳарбир совет республикаси ўз олимлари, ёзувчилари, артистлари, композиторлари, рассомлари блан фахрлана олали.

Шаклан миллий, мазмунан социалистик совет маданияти энг бой маданият бўлиб, жаҳон маданияти хазинасида жуда катта ўрин тутали.

6.

Биринчи бешйилликдан кейин иккинчи бешйиллик амалга оширила бошлали. Халқ хўжалигини ривожлантириш иккинчи бешйиллик плани (1933 — 1937 йиллар) биринчи бешйилликка қараганда янада каттароқ план эди. Бу планда совет халқининг моддий аҳволини янада яхшилаш ва маданий савиясини ошириш, меҳнаткашлар оммасининг иste'мол даражасини икки-уч марта ошириш кўзда тутилган эди. Эркин ижодий меҳнат қувончини татиб кўрган халқ иккинчи бешйиллик планни бажариш учун ақиллик блан киришди.

Иккинчи бешйиллик даврида саноатнинг жуда кўп янги корхоналари вужудга келди, ишлабчиқаришнинг ҳамма тармоқлари янги техника асосида қайтадан қурилди, меҳнаткашларнинг моддий аҳволи тобора яхшиланди. Янгидан жуда кўп турар-жойлар, боғ, кино, мактаб, клублар пайдо бўлди.

Иккинчи бешйилликнинг охирига келганда Совет Иттифоқининг саноати 1929 йиллагига нисбатан тўрт марталан зиёд ва 1913 йиллагига нисбатан етти марта ўсди. Иккинчи бешйиллик даврида бутун хўжалигимиз тўхтовсиз ўса борди.

Совет Иттифоқи буюк қурилиш планини амалга оширган шу чоқда халқаро майдонда урушнинг икки ўчоғи пайдо бўлди. Бу ўчоқларнинг бири Европада бўлиб, унда фашистлар Германияси уруш хавфининг маркази эди. Урушнинг иккинчи ўчоғи Шарқда пайдо бўлди. Империалистлар Японияси бу ўчоқнинг маркази эди.

Империалистларнинг Совет Иттифоқига ҳужум қилиш хавфи кучайди.

Шу сабабдан, большевиклар партияси ва совет ҳукумати иккинчи бешйиллик планида мамлакатнинг шарқида янги саноат базалари вужудга келтиришга алоҳида э'тибор қилдилар. Бу чора саноатни ҳомаш'ё манба'ларига яқинлаштириш ва айни замонда мамлакатни актив мудофаага тайёрлашда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Урол, Ғарбий ва Шарқий Сибирьда, Бошқирдистонда, Узоқ Шарқда, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда янги саноат базалари вужудга келтирилди. Бу ерларда машинасозлик, металлургия, тошкўмир ва нефть саноатининг кучли марказлари пайдо бўлди.

Бешйилликлар даврида Сталин номли Оқдениз-Болтиқ канали ва Москва-Волга канали қурилди. Бу каналлар иқтисодий ва ҳарбий-стратегик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлдилар.

Социалистик система халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ғалаба қилди. 1936 йилга келганда мамлакатда капиталистик унсурлар тамомила йўқотилди. Икки сталинча бешйиллик даврида вужудга келтирилган қудратли социалистик саноат хусусий саноатни тамомила суриб чиқарди.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

БЕШИНЧИ СУҲБАТ

СИЕСИЙ МАКТАБ ЎҚУЧИЛАРИГА ЁРДАМ

Совет халқи СССРда қандай қилиб социализм қурди

(БОШИ ЎЧИНЧИ БЕТДА)

Қишлоқ хўжалигида ҳам социалистик система ғалаба қилди, машиналаштирилган йирик социалистик хўжаликлар—колхоз ва совхозлар ғалаба қилди. Қулоқлар синф сифатида тугатилди. Эндиликда якка хўжалик сектори мамлакатнинг экономикасида жиддий роль ўйнамай қолди. Бутун мол оборотн давлат ихтиёрида бўлди. Кишининг-киши томонидан эксплоатация қилиниши абадий ва бутунлай йўқотилди. Давлат ва кооперативколхоз социалистик мулки тантана қилди.

Совет Иттифоқида социализмнинг ғалабаси натижасида совет жамиятининг синфий тузилиши ўзгарди. Ишчилар синфи эксплоатациядан озод бўлган янги ишчилар синфига айланди, инсоннят тарихи шу вақтгача бундай синфни кўрмаган эди. Совет деҳқонлари эксплоатация ҳамда асоратдан қутилиб, ўз ишларини коллектив меҳнат ва колхоз жамоат мулкчилиги асосида ташкил этган колхозчи деҳқонларга айланди. Ишчи ва деҳқонлар орасидан чиққан ҳамда улар билан маҳкам боғланиб халққа хизмат қиладиган янги зиёлилар вужудга келди.

Совет халқининг ана шу оламшумул тарихий ғалабалари СССРнинг 1936 йил 5 декабрьда қабул қилинган янги Конституциясига ёзилди. Халқ бу Конституцияни Сталин Конституцияси деб, ғолиб социализм Конституцияси деб атади.

Сталинча бешйилликлар саноатимиз ва қишлоқ хўжалигимизни илғор техника билан қуроллантирди. Эндиги вазифа бу техникани мукаммал эгаллаш ва ундан тўла фойдаланишдан иборат эди. Бу вазифани бажариш учун техникани эгаллаган кишилар керак эди. «Техника ҳамма нарсани ҳал этади» деган илгариги шиор ўрнига «Қадрлар ҳамма нарсани ҳал этади» деган янги шиор берилди. Ўртоқ Сталин 1935 йилнинг май ойида, дунёда бўлган ҳамма капиталлар орасида энг қимматлиси ва энг муҳими одамлар, кадрлардир, деди. «Шуни тушунмоқ керакки, ҳозирги шароитимизда «кадрлар ҳамма нарсани ҳал қиладилар». Саноатимиз, қишлоқ хўжалигимиз, транспортимиз ва армиямизда яхши кадрлар кўп бўлса, мамлакатимиз енгилмас бўлади. Бизда бундай кадрлар бўлмаса, ҳар икки оёғимиздан оқсаймиз».

Ўртоқ Сталининг бу тарихий кўрсатмаси ишчилар синфининг ишлабчиқариш-техника соҳасида ишловчи янги зиёлиларини тайёрлашда ғоят катта роль ўйнади.

1935 йил август ойининг охирида Донбассдаги «Центральная-Ирмино» шахтасида вужудга келган ажойиб ҳаракат совет кишиларининг янги техникани яхши билиб олганликларини ва меҳнат унумини янада оширганликларини жуда яққол кўрсатучи мисолдир. Кўмир қазувчи ёшлардан Алексей Стаханов кўмир чиқаришда мавжуд нормалардан 14 марта ўзиб кетди. Стахановчилик ҳаракати тезорада ҳамма ерда — саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигида кенг ривожланди.

Социалистик мусобақанинг кенг миқёсда қизитиб юборилиши, иккинчи бешйиллик планнинг муддатидан илгари бажарилиши Совет Иттифоқининг мудофаа қувватини янада мустаҳкамлашда, улуғ социалистик давлатнинг қудратини оширишда ҳал қилучи роль ўйнади.

Ластлабки икки сталинча бешйиллик планларини бажаришда тарихий муваффақиятлар осонлик билан қўлга киритилмади. Социализм қаттиқ синфий кураш шароитида қурилди. Капиталистик мамлакатларнинг буржуазияси биринчи бешйиллик планимизни қаттиқ газабланиб қарши олдилар. Капиталистик мамлакатларнинг буржуазияси Совет Иттифоқидаги агентлари билан биргаликда улуғ қурилиш ишларимизни бузишга, СССРга қарши иғвогарлик йўли билан уруш очишга кўп марта уринди кўрди. Инглиз империалистлари ҳам, поляк панлари ҳам, совет давлатини душман кўрган немислар ҳам, япон ҳарбийлари ҳам шу йўлда ҳаракат қилдилар.

Мамлакат ичкарисида тор-мор қилинган капиталистик синфларнинг қолдиқлари, я'ни совет халқининг душманлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида зараркунандачилик қилдилар. Душманларнинг ана шу ҳаракатларидан кузатган муддаоси бешйиллик планларнинг бажарилишига халақит бериш эди. Зараркунандалар ўзларининг қабиҳ ишларида чет эл буржуазияси билан, турли капиталистик давлатларнинг ҳарбий разведкалари билан алоқа боғлаган эдилар.

Троцкийчилар, бухаринчилар ва буржуа миллатчилар, чет эллардаги хўжайинларининг малайлари, фашизмнинг содиқ итлари эдилар, улар бизнинг мамлакатимиздан иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан қийинчилик туғдиришга ҳаракат қилдилар. Совет ҳокимияти ўз вақтида ва шафқатсизлик билан хоинларнинг жазосини берди. Большевиклар партияси оммани синфий душманларга ва уларнинг шериклари ларга қарши курашга сафарбар қилди. Жосус-зараркунандалардан иборат шайкаларнинг тор-мор қилиниши мамлакатимизда социализм қуришда янада кўпроқ муваффақиятларга эришиш учун, Ватанимизнинг мудофаа қувватини мустаҳкамлаш учун йўл очиб берди.

7.

Бизнинг халқимиз иккинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариб, коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида халқ хўжалигини ривожлантириш учинчи бешйиллик планини бажаришга киришди. Сталинча учинчи бешйиллик план Ватанимизнинг қудратини янада ошириши ва совет кишиларининг моддий аҳволини янада яхшилаши керак эди. Бу планда мўлжалланган ишларнинг кўпи немис-фашист босқинчиларга қарши Улуғ Ватан уруши бошланган пайтгача амалга оширилди.

Совет Иттифоқи сталинча бешйиллик планларни амалга ошириш натижасида ишлабчиқариш техникаси ва саноатнинг ўсиш сур'атлари жиҳатидан асосий капиталистик мамлакатларга етиб олиб, улардан ўзиб кетди. «Бу шундай бир сакраш эдики, Ватанимиз бунинг ёрдами билан қолоқ мамлакатдан илғор мамлакатга, деҳқончилик мамлакатидан саноатлашган мамлакатга айланди» **(Сталин)**. СССР халқлари асосий иқтисодий вазифани, я'ни Европада энг кўп тараққий этган капиталистик мамлакатларга ва Америка Қўшма Штатларига иқтисодий жиҳатдан етиб олиш ва улардан ҳам ўзиб кетиш вазифасини бажаришга жуда яқинлашиб қолган эди. Бу, саноат маҳсулотининг энг муҳим хилларининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори жиҳатидан бошқа халқлардан ўзиб кетиш демак эди.

Сталинча учинчи бешйиллик план совет давлатининг тараққиётида янги тарихий давр очди, социалистик жамият қурилишини тугаллаш ва аста-секин коммунизмга кўчиш даврини очди.

Гитлерчилар Германиясининг хиёнаткорона ҳужуми совет халқининг тинч шароитдаги ижодий меҳнатига монъ'лик қилди. Бутун мамлакат улуғ Сталининг, большевиклар партиясининг чақириғи билан ягона ҳарбий лагерьга айланди. Мамлакатнинг бутун халқ хўжалиги душманни тор-мор келтириш вазифасига бўйсундирилди. Социалистик тузумнинг устунлиги уруш кунларида янада яққол кўринди. Совет тузуми тинч қурилиш йилларида мамлакатнинг иқтисодий ва маданий тараққиётини ушлаб ошириш энг яхши шакл бўлибгина қолмай, уруш даврида душманга зарба бериш учун халқнинг ҳамма кучларини сафарбар қилишда ҳам энг яхши шакл бўлди.

Ўртоқ Сталининг мамлакатни социалистик негизда саноатлаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаш сиёсати Ватанимизни қутқазиб қолди. Шу сиёсат туфайли мамлакатимиз актив мудофаага тамомила тайёрланди. 1940 йилда чиқарилган чўян 1913 йилдагига нисбатан қариб тўрт марта кўп бўлди, пўлат 4,5 марта ортиқ қуйилди, тошкўмир, 5,5 марталан ортиқ, нефть 3,5 марталан ортиқ чиқарилди. Шу даврда етиштирилган товар ғалла 17 миллион тоннага кўпайди, пахта эса 3,5 марта ортди.

Чор Россияси биринчи жаҳон урушида хўжалик соҳасидаги қолоқлиги, заифлиги орқасида енгилган эди. Иккинчи жаҳон уруши даврида СССРдаги социалистик тузумнинг устунлиги орқасида, сталинча бешйиллик планларнинг муваффақиятли суратда амалга оширилиши натижасида гитлерчилар Германиясини енгдик.

Шонли Совет Армиямиз уруш кунларида энг яхши қуроллар билан та'миндаги. Биз қуролларнинг миқдори ва сифати жиҳатидан ҳам душмандан ўзиб кетдик. Бизнинг танк саноатимиз урушнинг сўнгги уч йили мобайнида ҳар йили ўрта ҳисоб билан 30 мингдан ортиқ танк, ўзиюрар замбарак ва бронемашиналар чиқариб турди. Авиация саноатимиз шу даврнинг ҳар йили 40 мингтача аэроплан, артиллерия саноатимиз ҳар йили турли калибрдаги 120 мингтача замбарак, 450 мингтача қўл пулемёти ва станокли пулемёт чиқариб турди; миномёт саноатимиз шу даврнинг ҳар йили 100 мингтача миномёт чиқарди.

Колхоз тузумининг буюк ҳаётий кучи Улуғ Ватан уруши даврида айниқса яққол кўринди. Фақат колхозчи деҳқонларгина тўрт йиллик даҳшатли урушда фронт ва мамлакатни озиқ-овқат билан, саноатни эса хомашё билан тўхтовсиз та'миндай олар эди. Бизнинг қишлоқ хўжалигимиз колхоз тузуми натижасидагина уруш машаққатларига шараф билан бардош берди.

Қизил Армиянинг қаҳрамонона курашлари билан бир қаторда ишчилар, колхозчилар ва совет зиёлиларининг фидокорона қилган меҳнати тарихга халқнинг Ватанни ҳимоя қилиш йўлидаги мислсиз қаҳрамонлиги бўлиб кирди. Шонли большевиклар партияси, Ленин-Сталин партияси, бу улуғ ғалабанинг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди.

☆ ☆ ☆

СССРда большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида Сталинча бешйиллик планларнинг бажарилиши натижасида социалистик жамият қурилди. Инсоннятнинг энг яхши кишилари кўп асрлар мобайнида орзу қилган ва мазлум меҳнаткашлар оммаси амалга ошириш учун интилган тузумни халқимиз тарихда биринчи марта амалга ошириб, ҳаётга чиқарди. Социализм қурилди, у совет кишиларининг турмушига кирди ва биз энди ҳаётда бошқача ҳаёт бўлишини тасаввур ҳам қилолмаймиз. Ўртоқ Сталин бундай деди: «Фабрика ва заводларимизда капиталистларсиз ишламоқдалар. Халқ орасидан чиққан кишилар ишга раҳбарлик қилмоқдалар. Бу, бизда амалда юзага чиқарилган социализм деб аталади. Далаларимизда меҳнаткашлар помещикларсиз, қулоқларсиз ишламоқдалар. Халқ орасидан чиққан кишилар ишга раҳбарлик қилмоқдалар. Бу нарса бизда турмушга киритиб кетган социализм деб аталади, бу нарса бизда эркин, социалистик ҳаёт деб аталади».

Совет жамиятида бир-бирига душман бўлган синфлар йўқ. Шу сабабдан бизда синфий тўқнашишлар ва ижтимоий фалокатлар йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Шу сабабдан совет тузуми дунёда энг мустаҳкам тузумдир.

СССРда эксплоататор синфларнинг тугатилиши ва социализмнинг қурилиши натижасида совет жамиятининг ма'навий-сиёсий бирлиги вужудга келди, мамлакатимизда яшовчи халқларнинг дўстлиги янада мустаҳкамланди, совет ватанпарварлиги ўсди.

Социалистик мамлакат бўлмиш СССРда ҳарбир меҳнаткашнинг давлат, хўжалик ва маданият соҳасида ишлаши учун кенг имконият берилган. Бизнинг мамлакатимизда ҳарбир меҳнаткаш ўз ҳаётининг тўла ҳуқуқли хўжайинидир. У бутун халқ билан биргаликда мамлакат бойликларига эгалик қилади. Ватан унинг тўғрисида ва унинг истиқболи ҳақида ғамхўрлик қилади. Шунинг учун ҳам совет кишилари ўз Ватанига чексиз содиқликлар. Ватанни ўз онасидек севадилар ва улар учун Совет давлатининг манфаатларидан ҳам юксак ҳеч нарса йўқ.

Бизнинг ватанимиз халқимизнинг ма'навий-сиёсий бирлиги туфайли, халқлар дўстлиги туфайли ва юксак совет ватанпарварлиги туфайли гитлерчилар Германияси ва унинг иттифоқчилари устидан тўла ғалаба қозонди. Совет халқи бу билан ўзи вужудга келтирган социалистик тузумни сақлаб қолди. Бизнинг мамлакатимиз тинч шароитда меҳнат қилиш, социалистик жамият қурилишини тугаллаб, аста-секин коммунизмга кўчиш имконига яна эга бўлди.

Биз улуғ Сталин етакчилигида, большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида коммунизм сари олға бормоқдамиз!

ҲАРБИЙ-АВИАЦИЯ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА АНГЛИЯ БЛАН АМЕРИКА ЎРТАСИДА БИТИМ

ЛОНДОН, 1 январь (ТАСС). Рейтер агентлигининг хабар беришича, Англия авиация министрлиги авиация соҳасида уруш вақтидаги ҳамкорликни давом эттириш ҳақидаги Англия блан Америка Қўшма Штатлари ўртасида битим тузилганлиги ҳақидаги хабарни тасдиқлаб, Америка Қўшма Штатлари блан Англиянинг ҳарбий кучлари офицерлар айрибошлашадилар, деган. Ҳарбий-ҳаво кучларининг полковник лавозимидаги офицерлари айрибошланади.

Ластлабки даврда бу мақсад учун ҳар қайси томондан 30—40 га яқин офицер ажратилади. Аммо кейинчалик бу рақам оширилиши мумкин, бироқ юз кишидан ошмаслиги керак. Офицерлар яқин ўртада биринчи марта айрибошланади.

Агентлик билдиради: яхши хабарлар манба'лардан олинган ма'лумотларга қараганда, Америка офицерлари уруш тамом бўлган вақтдан буён Англия авиациясининг шахсий состави учун очилган курсларда та'лим олиб келганликлари бугун ма'лум бўлди. Айрибошлаш планига мувофиқ ажратилган Америка офицерларининг бир қисми чет элларда Англия авиацияси блан биргаликда хизматни ўтайди.

Янги битим доминионларга қарашли ҳарбий-ҳаво кучларига нисбатан жорий қилинмайди. Бу битим ёлғиз Англия авиациясигагина тааллуқлидир.

ОТТАВА, 1 январь (ТАСС). Оттавада чиқалиган «Ситизен» газетаси Вашингтон мухбирининг хабарига қараганда, инглизлар блан американлилар бошқа мамлакатлар шароитида ва ўз мамлакатларининг тактикасидан кўп ҳолларда тамомила кескин фарқ қиладиган авиация тактикаси асосида, бошқача қурол-яроғлар ишлатиб та'лим бериш мақсадида бир-бирларни блан ҳарбий-ҳаво кучларини айрибошлашга қарор берганлар. Мухбир, Америкага юборилаётган инглиз учучилари атом бомбаси ва ракета снарядларининг ривожланаётганлиги муносабати блан американлиларнинг янги тактикасини ўрганганлар керак, дейди. Англияга келадиган американлилар реактив қуролларни ўрганганлар.

Канада авиациясининг вице-маршали Куртис «Ситизен» газетасининг мухбирига, ҳозирги вақтда Канада ҳаво кучларида хизмат қилаётган кўпгина офицерлар Қўшма Штатларда та'лим олаётир, деган.

ТРЮГВЕ ЛИНИНГ ЯНГИ ЙИЛ МУНОСАБАТИ БЛАН БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ХАЛҚЛАРИГА ЮБОРГАН МАКТУБИ

НЬЮ-ЙОРК, 31 декабрь (ТАСС). Бирлашган миллатлар ташкилотининг матбуот бюроси Бирлашган миллатлар ташкилоти бош секретари Трюгве Линнинг Бирлашган миллатлар халқларига янги йил муносабати блан юборган мактубини матбуотда э'лон қилиш учун топширди. Трюгве Ли бу мактубида буюк давлатлар иттифоқ бўлиб иш кўришни истаганликларини намойиш қилиб кўрсаттанликлари ва ҳозирги вақтда Бирлашган миллатларнинг амалий чора кўручи ташкилотга бирлашганликлари муносабати блан тинчликка бўлган умид кучайганлигини та'кидлайди.

Трюгве Линнинг мактубида қуйидагилар айтилади:

«Бугун ўтган янги йилнинг биринчи кунидагига нисбатан кўпроқ умидвор бўлиш учун катта асослар бор. Яқинда Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеяси ва Ташқи ишлар министрлари кенгашининг бўлиб ўтган мажлислари натижасида келажакда узоқ давом этадиган тинчлик ўрнатиш ва халқаро миқёсда чинакам ҳамкорлик қилиш учун катта имконият туғилди. Бу мажлислардаги икки ҳолат мени айниқса қувонтирди: биринчидан, буюк давлатлар ўзаро келишиб иш кўришга ва ўз сиёсатларини Бирлашган миллатлар ташкилотининг мақсад ва принципларига мувофиқ белгилашга қарор қилдилар; иккинчидан, Бирлашган миллатлар чинакам амалий чора кўручи халқаро ташкилотга бирлашдилар. Инсоннятнинг кўп авлодлари халқлар парламентини вужудга келтиришни орзу қилиб келган эдилар; Бош Ассамблеянинг яқиндагина тамом бўлган сессиясида инсоннятнинг бу орзуси амалга ошабошлади. Бизнинг ҳали йўл бошида турганимиз шубҳасиздир. Олдимизда турган қийинчиликларни камайтириб кўрсатмаймиз. Германия ва Япония блан тузиладиган сулҳ шартномалари Бирлашган миллатлар ташкилотининг кенг миқ'ёсда иш кўриши учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Германия ва Япония блан тузиладиган сулҳ шартномалари ҳали тайёрланиши керак; биз атом энергиясини назорат қилиб туриш усули ҳақида бир қарорга келишимиз лозим; Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган қуролсизланиш тўғрисидаги резолюциянинг амалий йўлларини ишлаб чиқишимиз ва бу резолюцияни амалий натижа берадиган бир кучга айлантиришимиз зарур; ер юзининг кўп жойларида муҳтожлик борлигини ва хавфсизлик мавжуд эмаслигини сизларнинг эсингизга тушириш учун зарурат йўқ. Шу сабабдан, тинчлик осонгина барпо қилинади, деб умидвор бўлишга ҳожат йўқ. Аммо, тўғри асослар яратилди. Ҳукумат ва халқлар Бирлашган миллатлар ташкилотига амалий ва фаол ёрдам берадиган бўлсалар, келажакка умид блан қарай оламиз деб ўйлайман. Мен Бирлашган миллатларнинг барча халқларига 1947 йилда худди шундай руҳ блан муваффақият қозониб, бахтиёр бўлишларини тилайман».

УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ ДАВРИ ТУГАГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ТРУМЭН БАЁНОТИ

ВАШИНГТОН, 31 декабрь (ТАСС). Америка Қўшма Штатларининг президенти Трумэн матбуот конференциясида матбуотда э'лон қилиш учун иккинчи жаҳон уруши ҳарбий ҳаракатлари даври тугаганлиги тўғрисидаги расмий баёнотини топширди. Баёнот 31 декабрьда Гринвич вақти блан соат 17 ҳам бошлаб кучга киради. Трумэннинг уқдириб ўтишича, баёнот уруш ҳолати тугаганлигини билдирмайди, балки «уруш ҳаракатлари даврига хотима беради, халос. Баёнот ҳукуматга берилган фавқулодда ваколат вучини дарҳол бекор қилади ва бошқа ваколатларнинг кучини яқин ўртада тўхтатади. Ҳукуматга ўз вақтида уруш вақтининг тахминан 20 та қонасига мувофиқ фавқулодда ваколат берилган эди.

Бир мухбирнинг бу баёнот Англия блан Америка штаб бошлиқлари Бирлашган кенгашининг ишига ҳам таалуқлими деб берган саволига, Трумэн йўқ деб жавоб қайтарди. У айтдики, Англия, Америка штаб бошлиқлари бирлашган кенгаши яна ақалли олти ой ўз ишини давом этдиради.

БИРЛАШГАН ГЕРМАНИЯНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ ТЎҒРИСИДА НЕМИС АРБОБЛАРИНИНГ ФИКРИ

БЕРЛИН, 1 январь. (ТАСС). «Берлинер цейтунг» газетаси кеча Германиянинг бирқанча арбоблари томонидан баён қилинган фикрларни босиб чиқарди. Бу арбоблар бирлашган Германия вужудга келтириш фикрини ёқлайдилар. Масалан Шлезвиг Гольштейн Ерларининг (Германиянинг Англия томонидан оккупация қилинган доираси) бош министри Теодор Штельцер бундай деди: «Англия ва Америка доираларини бирлаштириш ҳақида битим тузилар экан, қат'ий бурилиш рўй беради ва бизнинг аҳволимиз яхшиланиши учун асос бўлади деб билучи кишилар томонидан баён қилинаётган ба'зи фикрларга қўшилаолмайман. Германияни тиклаш учун барча доираларни бирлаштириш йўли блангина ҳақиқий негиз яратиш мумкин. Биз Германия ҳақида яқинда музокаралар олиб борилган вақтда ба'зи масалалар юзасидан ён берибгина эмас, балки бутун Германия масаласини ҳал қилиш юзасидан бир фикрга келишишга умид билдирамиз».

Англия оккупация доираси маслаҳат кенгашининг бош секретари Герхард Бейсер янги йил муносабати блан э'лон қилган баёнотида қуйидагиларни билдиради: «дастлаб биз ишга салоҳиятли марказий ҳукумат тузиш учун бутун кучимизни сарфлашимиз керак. Бутун Германия олдида турган вазифаларни айрим Ерларнинг ма'мурий органлари ва мувофиқлаштируучи органларнинг ёрдами блангина ҳал қилиб бўлмайди».

Рур областидаги Германия коммунистлар партияси ташкилотининг бош раиси Иосиф Ледвон ўзининг янги йил баёнотида бундай деди: менинг фикримча, 1947 йилнинг асосий вазифаси барча доираларда бирлашган Германияни вужудга келтириш, чинакам демократик республика тузиш учун кенг халқ ҳаракатини кучайтириб юборишдан иборатдир. Бундай демократик республикада монополистлар немис халқининг тақдирига ҳеч қонсай та'сир кўрсата олмасин.

ТЕҲРОНДА ТЕСКАРИЧИ ТУДАЛАРНИНГ БЕЗОРИЛИГИ

ТЕҲРОН, 30 декабрь (ТАСС). «Кесра» газетасининг 29 декабрьда берган хабарига қараганда, Зулфиқорий бошлиқ тескаричи тўдининг а'золари Теҳрон кўчаларида безорилик қилмоқдалар. Бундан икки кун бурун Истамбул кўчасидаги (бу — Теҳроннинг марказий кўчаларидан биридир) магазин эгалари шу муносабат блан ўз магазинларини ёпиб қўйишга мажбур бўлганлар.

В. М. МОЛОТОВ АФҒОНИСТОН ЭЛЧИСИ МУҲАММАД НОВРУЗХОН ЖАНОБЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов 3 январьда Афғонистоннинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Муҳаммад Новрузхон жанобларини қабул қилди. Бу — элчининг биринчи учрашуви эди.

АМЕРИКА ҚУШМА ШТАТЛАРИ КОНГРЕССИГА НОЯБРЬ ОЙИДА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАРГА ТААЛЛУҚЛИ МА'ЛУМОТЛАРГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 31 декабрь (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг расмий ма'лумотларига кўра, Америка Қўшма Штатлари конгрессига ноябрь ойида ўтказилган сайловлар вақтида республикачилар партияси 18.262.121 овоз, ёки барча овозларнинг 52,1 процентини олган, демократик партия 15.275.193 овоз, ёки овозларнинг 44,1 процентини, бошқа партиялар 1.093.121 овоз, ёки овозларнинг 3.2 процентини олган. Ҳаммаси бўлиб 34.630.427 киши овоз берган. Бу эса президент сайлови ўтказилмайдиган йилларда бўладиган конгресс сайловлари учун ҳам унча кўп эмасдир. Одатда конгресс сайловлари президент сайловлари блан бир вақтда ўтказилганда овоз беришда жуда кўп сайловчилар қатнашади. Масалан, 1944 йилги конгресс сайловларида, я'ни Рузвельт қайтадан президент қилиб сайланган вақтда овоз беришда 47.976.263 киши қатнашган эди. Аммо, конгресс сайловларида ўша йили ҳам 1938 йилдагига нисбатан бир ярим миллион кам сайловчи қатнашган эди.

ИНДОНЕЗИЯДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ГААГА, 2 январь (ТАСС). АНП агентлигининг Батавиядан берган хабарига қараганда, Медан атрофидаги жанглар тобора ғоят кескин тус олмоқда. Шаҳар яқинида тўхтовсиз замбараклар отилиб турибди. Голландиялилар республикачиларга қарашли телефон станциясини қўлга олдилар. Медан яқинида Индонезия аскарлари ҳамон тўпланмоқда.

АНП агентлиги томонидан тарқатилган ҳарбий аҳвол ҳақидаги обзорда, Сурабайя блан Семаранг яқинида тўқнашувлар давом этмоқда, дейилади. Целебесда ингаригилек ҳамон шиддатли жанглар бўлиб турибди. Индонезиялилар ўртасида ўлган кишилар кўп.

АНП агентлигининг Батавиядан хабар беришича, Индонезия ҳукуматининг бош министри Сутан Шарир агентликнинг мухбирига Явадаги аҳвол кун сайин кескинлашмоқда деган. Шарирнинг айтишича, бунга Бейтензорлдаги воқеа сабаб бўлган. Ма'лумки, бундан бирнеча вақт аввал голландиялилар республикачилар томонидан тайинланган бургомистр ва унинг ходимларини қамоққа олган эдилар.

ЭРОНДА УР-ИИКИТ

ТЕҲРОН, 1 январь (ТАСС). «Оташ» газетасининг хабар беришича, ҳарбий суд Тавризда демократларга қўшилган олти офицерни, я'ни капитан Жавзад ва капитан Асерийни, лейтенантларлан Ёпириний, Оливах, Кухон ва Данбияни ўлим жазосига ҳукм қилган.

ТЕҲРОН, 1 январь (ТАСС). Теҳрон газеталарининг хабар беришича, 30 декабрь эрта блан Теҳрон университетида студентлар блан «демократик партия» а'золари ўртасида тўқнашув рўй берган.

Техника факультетининг студентлари мажлисга сайлов ўтказишда эркинлик берилмаётганлигига қарши норозилик билдириб митинг ўтказаётган вақтларида «демократик партия» а'золари бирнеча автобусга тушиб университетга келганлар. Улар студентларга ҳужум қилиб, митингни тарқатиб юборганлар. Кўпгина студент калтакланган ва яралор қилинган. Яралорлар касалхонага олиб кетилган.

Мас'ул муҳаррир ўринбосари:
Р. САҲИБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА ТЕАТРИДА — 5 январьда премьера Денгиздаги шарафига. 4 парда. 8 кўринишли пьеса.

ЎЗОПЕРА ТЕАТРИДА — 5 январьда кечқурун Бўрон.

ЎЗБЕК МУЗИКА ТЕАТРИДА (Беш'ёғочдаги Тошсовет театри биносида) — 5 январьда Ҳўжа Насриддин. 7 январьда Муҳаббат гули.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 10 январьгача ҳар куни уч катта тамоша. Янги йил арчаси ўюштирилган. Аттракцион—оқ айиқлар. Тамоша кундуз соат 1, 4 ва кеч 9 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ» — кундуз Полк ўғли, кечқурун Насриддин Бухорода. 6 январьдан кундуз Зоя; «ИСКРА» — кундуз Сирли орол, кечқурун Пўлат қандай тобланди (янги нусхаси); «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз Шоирнинг ёшлиги, кечқурун Александр Пархоменко, 6 январьдан кундуз Руслан ва Людмила, кечқурун Пўлат қандай тобланди; «НОВОСТИ ДНЯ» — Дубровский, 7 ноябрьдан кундуз ва кечқурун Полк ўғли; «ПОБЕДА» — кундуз Уч беш ёшли капитан, кечқурун Югославия тоғларида, 6 январьдан кундуз Яша, Москва!, кечқурун Александр Пархоменко; «ВЕСНА» — кундуз ва кечқурун Юксак мукофот, 6 январьдан Суворов; АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КЛУБИ — Югославия тоғларида.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ РАЙПРОМКОМБИНАТИ

барча ташкилот ва айрим кишиларга

ГАНЧ, СУРҒУЧ,

косиблар учун хархил

ПАРДОЗ МУМЛАР, ИП МУМЛАР, оқ ва қора САҚИЧ МАТЕРИАЛЛАРИ

СОТАДИ

Харидорлар Райпромкомбинатга мурожаат қилсинлар (Комсомол кўчаси, 4-ичи уй, 11 ва 12-ичи трамвайларнинг «Ҳадра» остановкаси).

ЎЗБЕКЧА СТЕНОГРАФИЯ ва МАШИНАДА ЁЗУВ КУРСИ

хотин-қизлардан

ЎҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Ўқучиларга стипендия ва бошқа енгилликлар берилади.

Адрес: Воскресенский переулок ва Красноармейская кўчаси бурчаги, 8-ичи Март номли мактаб биносида (Қизил майдон ёнида).

ТОШКЕНТ 1-НЧИ АВТО-РЕМОНТ ЗАВОДИГА

нарядчи-бракёрлар, ғишт теручилар, дурадгорлар, сувоқчилар, тош йўл теручилар ва қора ишчилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Ленин район, 8-ичи Март кўчаси, 12-ичи уйда кадрлар бўлимига эрталаб соат 10 дан кеч 5 гача келиб учрашилсин (5-ичи трамвай боради).

ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА ВА ЎҚИТУЧИЛАР ИНСТИТУТИ СИРТКИ БЎЛИМИНИНГ СИРТДАН ЎҚУЧИ СТУДЕНТЛАРИ ЎЧУН

Тошкент консультация пунктида қуйидаги дам олиш кунларида

МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗИЛАДИ:

26 январьда	13, 27 апрельда
9, 23 февральда	11, 25 майда
9, 23 мартда	8 июньда.

Сиртдан ўқучи студентларнинг келишлари мажбурий.

Машғулотлар эрталаб соат 10 дан институт биносида ўтказилади (Педагогическая кўчаси, 63-ичи уй).

СССР Куролли кучлари министрлиги Бош интендант бошқармасига қарашли Ишчилар та'миноти бошқармаси таёрлаш конторасининг Тошкент бўлими

ТУГАТИЛАДИ.

Да'волар 1947 йил 20 январьгача белгиланиши лозим. Кўрсатилган муддатдан кейин ҳеч қандай да'во қабул қилинмайди.

Адрес: Тошкент шаҳар, Свердлов кўчаси, 50-ичи уй.

Тошкент шаҳар, Киров район, 19 бўлим халқ суди билдиради, А. И. Зевелёвнинг Р. С. Зильберштейндан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Тошкент область, Калинин район, 1-ичи бўлим халқ суди билдиради, В. Зоҳидовнинг Р. Жалоловадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

РЕДАКЦИЯ ва НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши ва Пропаганда-агитация бўлими — 34780; Қишлоқ хўжалик бўлими — 33469; Саноат бўлими — 31048; Совет қурилиши бўлими — 31226; Хатлар бўлими — 32347; Э'лонлар бўлими — 37062. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 67. Р. 00005.